

УЛАР ДОИМ БИЗ БИЛАН



Суратларда ёрдам пулларини топшириш пайти акс эттирилган. Муаллиф олган сурат.

Яхши ҳам инсонда хотира деган улуг хислат бор. Шу туфайли ҳам инсон инсон учун азиз, меҳрибон, раҳмдил, оқибатли.

Яқинда кенг нишонланган Ўзбекистон милициясининг 75 йиллиги байрамида биз хотирамизда сақланаётган, орамизда жисман йўқ, аммо руҳан доимо биз билан бўлган азиз инсонларни ёдга олдик.

1988 йилнинг 16 июнида бўлган мудҳиш воқеа ҳамюртларимиз ёдидан ҳали ўчганича йўқ. Ўз хизмат вазифаларини ўтаётган вақтларида уч нафар ДАН назоратчисини қуролланган жиноятчилар ваҳшийларча отиб ўлдиришган эди. Бу машъум ҳодиса ҳозирда ҳалок бўлган назоратчилар Олимжон Асқаров, Маткарим Матчонов ва Муса Ҳасан ўғли Гашимовларнинг номи билан аталаётган “Уч қаҳрамон” ДАН постида содир бўлганди.

Байрам арасида республика ИИБ ДАН бошқармаси вакиллари мана шу қаҳрамон назоратчиларнинг хонадонларида бўлишди. Уларнинг оила аъзолари билан биргаликда марҳумларни ёдга олишди. Бундан ташқари ҳар бир оилага 15 минг сўмдан ёрдам пули берилди. Ушбу маблағни Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН бошқармаси билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётган “Диёр” фирмаси ажратди.

— Хизмат вазифасини ўташ даврида қаҳрамонларча ҳалок бўлган назоратчиларимизни биз доимо ёдга олиб тураемиз, — дейди Республика ИИБ ДАН бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Тошўлат Раҳимов. — Уларнинг оиласига ҳам имкони борича ёрдам кўрсатишдамыз. Ана шу мақсадда биз ҳимийларни

ХОТИРА

кўпайтираяпмиз. Жумладан, яқинда “Севиж” ишлаб чиқариш тижорат фирмаси билан ҳам ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузди. Бу хизмат вазифасини ўташ даврида ҳалок бўлган ёки жароҳатланган назоратчиларимизга, уларнинг оила аъзоларига ёрдам кўрсатиш имкониятларини оширади.

Ҳалок бўлган марҳум назоратчиларнинг оила аъзолари республика ИИБ ДАН бошқармаси бошлигининг ўринбосари Т. Раҳимовга, ДАН бошқармаси тарғибот ва ташвиқот бўлимининг бошлиги А. Сулаймоновга, шу бўлим назоратчиси Б. Эгамбердиевга ва маблағ ажратган ҳимий ташкилот — “Диёр” фирмасининг бош директори С. Муҳаммаджоновга ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

Мансуржон РИХСИЕВ.

“АЯЖОН, МЕНИ...”

“Аяжон, аяжонгинам, мени ўлигим ҳам сизларни боқади ҳали...” Бу сўзларни улуг шоир Усмон Носир волидаи муҳтарамасига ҳазил тариқасида айтганди. Бу не “аччиқ қисматким, айтилган гап айни ҳақиқат бўлиб чиқса!?” Шоир номи бутунлай оқлангач, унинг муштираига 600 сўм пул беришаётган пайтда шўрлик онаизор дилбандининг гапларини эслаб, аччиқ-аччиқ йиғлайди...

Республика ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг ходимларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш

бўлими бошлиги ўринбосари, ички хизмат подполковниги Соатали Қодиров, катта инспектор, милиция майори Рустамжон Муҳаммаджоновлар билан бирга у еки бу ҳодисот сабаб ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзоларидан кўнгил сўраш, ҳолларидан хабар олишни бурч деб билиб, байрам арафаси уларнинг хонадонларида бўлди.

Жамоат тартибини сақлаш бошқармасида хизмат қилган, 1991 йилнинг 1 мартда жиноятчилар қўлида ҳалок бўлган милиция майори Тўлқин Темировнинг беш фарзанд

билан қолган турмуш ўртоғи Умржон Темировага ёрдам пули берилаётган пайтда Тўлқиннинг 66 ёшли волидаси — Аноржон ая кўз ёшларини тия олмадилар. Кейин билдикки, бундан йигирма кунча аввал аянинг яна бир фарзанди ерга қўйилган экан...

Рустам Тўйчиев, Мирзаназар Каримов, Геннадий Тарасов, Асатулла Турсунов, Михаил Лихолит, Ҳасан Ўрунбоев, Александр Камишников... Уларнинг оилалари ҳозирда турлича шароитда яшаётган бўлсалар-да, бизни кутиб олиш ва кузатиб қўйишлари бир хил бўлди...

Усмон Носир яна бир карра ҳақ бўлиб чиқди.

Эркин САТТОРОВ.



Кундалик хизматдан Бир павхса

— Ҳим-м, — деди пост-патрул хизмати полки штаб бошлиги Михаил Тахалов, — соат неча бўлди? Ҳамма кетиб қолдику.

Ўзиам келишилган вақтдан бир соат ўтказиб келган эдим-да,

— Майли, ташқарига чиқайлик қани, битта-яримтаси қолган бўлса қўшиб юбораман.

Қизил “Нива” машинасида бир милиция старшинаси рациясини кўздан кечириётган экан. Унинг ёнида фуқаро кийимидаги яна бир киши (уста деб ўйладим) куймаланади. Старшина Шайхонтоҳур райони ИИБ ППХ ротасида взвод командирининг ёрдамчиси Нажим Нормуротов экан. Рацияда бир ўзгариш бўлмагач, иккимиз штабдан чиқиб район ИИБ томон жўнадик.

Бу ерда 8-рота командир, милиция капитани Собир Жамолов билан қисқагина суҳбат ҳам қуриб олдик.

У кишининг таъкидлашича, рота ходимлари томонидан 12 та жиноят очилибди, 466 нафар маъмурий ҳуқуқбузар қўлга олинди.

— Умуман, бирор кун тинч ўтмайди, — дейди у киши, — дээрли ҳар кун бир воқеа бўлиб туради. Мана яқинда бир боқинчиликни очдик. Қиз болага бир йигит пичоқ билан ҳужум қилиб, пулини тортиб олган.

Ротада 49 киши хизмат қилар экан. Техника билан яхши таъминланган. Улов ҳам ошиб-тошиб ётмаган бўлсада, полигудек эмас. Қувонарлиси, кейинги пайтларда бензин билан таъминлаш бирмунча яхшиланди.

Ҳар ҳолда энди ҳайдовчи узун ичагу челақ кўтариб чопиб юрмайдиган бўлди. Кейинги икки ой бадалида ротага ўн олти та янги ходим ишга қабул қилинибди.

— Бу катта гап, — дейди Собир ака, — милициянинг обрўси кўтарилиб бораётганидан дарак беради.

Биз — мен, взвод командир, милиция старшинаси Бўлтак Бўриев (дарвоқе у бу лавозимга яқингинада тайин этилган) ва Нажим ака уччаламиз йўналишлардаги милиция нарядларини текшириб келиш учун жўнадик. Улар олтига экан. Бу маҳал соат кечки бешлар атрофида эди. Командир эса аллақандай қорозларни тўлдиргани қолди. Умуман у расмий қорозларни ўз вақтида тўлғадириб қўйишни хуш кўраркан.

Изиллаган шабада эсиб турибди, ҳаво жуда совуқ эди. Навоий кўчасидаги савдо расталарида турган наряддан ҳол-аҳвол сўраб қайтаётган эдик. Нажим аканинг кўзи девор ёнида одамларга қарата номаълум қилиқ қилиб турган бир эркакка тушиб қолибди. Шарт машинани қайтариб келгунича, ҳалиги дўконга ўзини уриб кетди. Йўқ, узоққа кетолмади. Взвод командир, бирпасда тутиб келтирди. Гирт маст экан. Машина чақириб, хушёрхонага жўнатдик. Бу пайтда рация ҳам ўз-ўзидан ишга тушиб кетганди. Кейин “Пахтакор” метро бекати томон жўнадик.

— Асосий кассавурликни берадиган жой шу, — изоҳ беради Менга Нажим ака, — шунинг учун ҳам бу ерга битта наряд қўйганимиз.

Бу ердагилар билан учрашиб, “Санъат саройи” томон ўтдик.

— Энди совуқ тушяпти, — деди Нажим ака, — одамлар асосан рестородаларда тўпланишади. Шунинг учун ҳам ўша ерларга одам қўйганимиз.

Хуллас ҳамма йўналишни текшириб, рота командирининг буйруғи билан уни олиб келгани бораётганимизда соат беш яримлардан ўтаётган эди, чамаси. Собир ака бизни метро бекати ёнида кутаётган экан. Энди вазиятни суриштириётган эдиям-ки, рация орқали район ИИБ оператив наватчиси, милиция майори Йўлдошвой Раҳимовнинг ташвишли овози янграб қолди:

— “Ц-13” даги учинчи сон тиб-бий “тез ёрдам” бўлимида машина олиб қочингга уриниш бўлган!..

Дарҳол йўлга тушдик. Машина катта шаҳар кўчаларидан елдек учиб борар, мен эса Нажим аканинг ҳайдовчилик маҳоратига қойил қолиб ўтирдим. Собир ака эса йўл-йўлакай рация орқали кимларгадир, аллақандай топшириқлар бериб борарди. Бунинг натижасини бизлар ўн минут қолмай воқеа жойига етиб борганимизда кўрдим: шу яқин ўртадаги милиция наряди шу ерда эди. Иккита ёш йигитни тутишган экан. Кимдир йигитларни тинтув қилишга киришди, кимдир гувоҳлардан тушунтириш хатлари ола бошлади. Менинг вазифам ҳеч

нарсига аралашмаслик бўлгани учун ҳам зимдан ҳалиги иккаласини кузата бошладим. Ик-киси ҳам ориқдан келган, найнов эди. Бири спорт кийимида, иккин-чиси қишки куртқада. Иккаласи ҳам довдираб қолган, қўллари, қалтирайди, юзлари қизариб кетган. Бири дам ўтирарди, дам турарди, иккинчисининг қўлидаги сигаретни Собир ака олиб қўйгач, “Мен чекмайман, ҳеч қачон чекмаганман ҳам”, — деб юборди.

Йигитлар шу ерда — “Тез ёрдам”да ишлайдиган бир акаҳон билан бақиршиб-чақиршиб тортишишарди. Акаҳонимиз: “Боя ўтаётганларингизда ҳам бақириб, “инглизча” қўшиқ айтиб ўтдиларингиз”, — дейди. Улар эса: “Беш минг сўмим қани? Топиб бер”, — дейишарди. Бу даъво анча давом этдию, сўнг унутилди.

Узуқ-юлуқ гаплардан шу нарсани англадимки, бу иккаласи бақириб-чақириб шу ерда яшаётган бир қизнинг ёнига келишгану қайтишда эса бири “РАФ”, бири “Волга” белгили “Тез ёрдам” машиналарини миниб қочмоқчи бўлишган. Рўпарадаги уйнинг тўртинчи қаватида яшовчи аёл эса бунини кўриб қолган ва дарҳол “Тез ёрдам”дагиларга хабар берган.

— “ГАЗ-24” жойида бир-икки ситланиб ҳам олди, — дейди ҳалиги аёл.

Мен бу иккала йигитнинг ҳаракатларидан бирор-бир мантиқ чиқаролмайман, лекин факт фактда. Ҳар иккала машинанинг ҳам ўт олдириш қулфига келиб уланган симлар суғуриб олинган, “Волга”дан эса йигитлардан бири чекиб ўтирган сигаретнинг қолдиги ҳам топилди.

Йигитлардан бири “бизнесманман”, — деб кўп куйдирди. Екатеринбургда яшаркан. Тошкентга дам олгани келганман, дейди.

Бу орада район ИИБдан ЖҚ оператив вакили, милиция лейтенанти Дилшод Адашев билан

яна бир йигит келиб, суриштирувни бошлаб юборишди. Орадан кўп ўтмай шаҳар ички ишлар бошқармасидан эксперт-криминалистлар ташриф буюриб, машиналарни суратга тушириб, бармоқ изларини олишга киришишди.

Айни маҳалда суяк-суягинини зирқиратиб юбуровчи совуқ шамол авжига чиқаётганди. Лекин ишлаётганларнинг жун-жикаётганини сира сезмадим. Улар бамайлихотир ўз ишлари билан машғул.

Биз ҳалиги иккаласини олиб ИИБга жўнадик. “Бизнесмен” йўл-йўлакай кўп кўпирди: “Отам савдо уйида вице-президент. Ўзимнинг шахсий “Тойотам” бор...”

Рота ва взвод командирлари иккаласини топширгани кириб кетгач, Нажим ака билан ёлғиз қолдим.

— Кўраяпсизми, бир ишни қилишдан, унинг қорозини тўлдириб қийинроқ бизда. Ҳали терговга ҳам чақиринишди. Умуман биз жиноятчини тутгач, битта баённома билан наватчин қисмга топшириб кетаверишимиз керак. Жиноят қидирувдагилар гувоҳлардан тушунтириш хатлари ҳам олинганлар, дейишади. Умуман шундай қилмаса ҳам бўлмайди-да. Бунинг иситида қилмасангиз, ҳамма ҳар томонга тарқаб кетади. Унда биттаям жиноятни очиб бўлмай қолади.

Орадан анча маҳал ўтиб, чиқиб келган Бўриев маълум қилди:

— Биттасининг ёнидан 8 граммга яқин наша ҳам топдик.

Яна йўлга чиқар эканмиз, Собир ака гап бошлаб қолди:

— Наватчин қисм бутунтидай оператив ишласа, ҳар қандай жиноятни ҳам шу заҳотиёқ очса бўлади... Умуман кўрсаткичларимиз ёмон эмас. Саккизинчи рота бўш келмайди.

Мен ҳам қўшилдим. Уччала фикрга ҳам.

И. ШОМУРОВОВ.

БИР СЎЗЛИ АЁЛ

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ЖОНКУЯРЛАРИ



Азму Тошкентнинг Шайхонтахур райони ҳудудидаги "Алоқа" бекатида жойлашган икки қаватли бино зинасидан кўтарилар эканман, ўзим саккиз йил аввал танишган суд қораловчисининг биринчи ерданчиси бўлиб ишлаган чўрткесар Мухаббат опа кўз олдидан кетмас эдилар.

Ҳозир мен улар билан суҳбатлашаман, ҳалиям ўша-ўшамиканлар-а, деган ўй-хаёл билан "Қораловчи бош ерданчиси" деб езилган эшикка яқинлашдим. Эшик қия очик бўлгани учун опанинг ким биландир баланд овозда баҳслаётгани кулоққа чалинди:

— Одамлар битта уй ололмайдими, бу кишида эса кўша-кўша участка! Йўқ, прописка қилинишига рухсат

бермайман. Қонун барчага баробар, нима, таниш-билишчилик деб қонунни бузайми?

— Энди, опа, кўша-кўша уй солса нима бўлибди? Ерданчиси берворсангиз куруқ қўймайдилар. Агар йўқ десангиз, ўзингиздан кўринг... кейин афсусланиб юрманг... Яхшиси, шаштингиздан қайтинг. Китоб-қонунингизни бир тарафга йиғиштиринг, бизнинг ўз қонун-қоидамиз бор...

Мухаббат опа у кишининг гапини чўрт кесди:

— Бўшатиб қўйинг хонани. Қани, чикинг. Бўлмаса милиция чакиртираман.

Бир киши хонадан ўқдек отилиб чикди. Орадан сал вақт ўтгач, хона эшигини очиб, бош сукдим.

— Ассалому алайкум, Мухаббат опа, мумкинми? — дедим. Ҳозиргина асаби бузилиб турган аёлнинг лабига табассум қалқиди. Жуссаси кичиккина, нозик бу аёлда шунча ботирилик ва матонат қаердан пайдо бўлишига ҳайрон қоласиз.

Салом-алиқдан сўнг муддаога ўтдим:

— Мухаббат опа, адашмасам бундайларнинг кўпи билан юзма-юз бўласиз. Ҳаммасиям ўзиникини маъқуллайдилар, уларга бас келиш ҳам оғир бўлса керак-а? Кўпчилик аёллар кўча-кўйда бирор тарбияси оғирроқ одам

гап қотиб қолса, неча кун ўйлаб, яна йўлимдан чиқиб қолмасмикан, деб кўрқиб юришади. Сизда шундай ҳолат наҳотки бўлмаса?

— Йўқ, менда ҳам ундан баттарроқ кўрқув туғдирувчи ҳолатлар бўлган, бироқ енгилган эмасман. Чунки мен қонунни ҳимоя қиламан. Халқ менга ишониб топширган вазифани аъло даражада бажарсам, ўзимни бахтиёр, деб ҳисоблайман.

— Сиз бу касбга қачон қизиқиб қолгансиз?

— Болалигимда менинг барча дўстларим ўғил болалар бўлган. Улар билан "суд" ўйинини ўйнар эдик. Кўпинча мени судловчи қилиб "сайлашар" эди. Балки шулар сабаб бўлганми, дейман. Суд тўғрисидаги ҳинд фильмларини жуда қизиқиб томоша қилар эдим. 6-синфда ўқиб юрганамда бу қизиқиш янаям алангаланди. Тергов тўғрисидаги китобларни ўқиганим-ўқиган эди. Лекин шунга қарамай бу касбда ишлашимга отам норози бўлдилар, кейин чет тиллар олийгоҳида таҳсил кўра бошладим.

Бир ярим йилдан сўнг эса ўқишни ташлаб, 1969 йилда Октябрь район прокуратурасига котиба-машинистка бўлиб ишга кирдим. Ўшанда менга мураббийлик, йўл-йўриқ кўрсатган Насиба опа Мухитдиновдан ҳечсиз

миннатдорман. Бу аёл мени ишга киришимга кўмаклашдилар. Ўша пайтда Октябрь район ижроқўмининг котибаси эдилар. Кейин Октябрь район халқ судьяси бўлиб ишлаганлар. Ҳозир нафақахўрлар. Мен уларни устоз сифатида тан оламан. Ўшанда ёшим ўн саккизда, машинкада ёзишни билмас эдим. Ишдан кейин қолиб, машинкада ёзишни ўрганиб олдим.

1972 йилда доирлунунинг ҳуқуқшунослик куллитетига ўқишга кирдим. Отам билиб қолгач, мендан хафа бўлиб 6 ойгача гаплашмай юрдилар, кейин ярашиб олдик. Вақтининг ўтишини қаранг, ҳозир бу соҳада ишлаётганимга 23 йил бўлди. Дастлаб Акмал Икромов райони прокуратурасида прокурор ерданчиси, 1983 йили эса Киров район прокуратурасида вояга етмаган болаларни назорат қилиш бўйича прокурор ерданчиси бўлиб ишладим.

1988 йили яна Октябрь райони прокуратурасига (ҳозирги Шайхонтахур) фуқаролик ишларини назорат қилиш бўлимига прокурорнинг катта ерданчиси этиб тайинландим. Ҳозирга қадар шу бўлимда хизмат қилияман.

— Ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги нега ёмон йўлга кириб кетишяпти? Фикрингиз?

— Менимча, бу ота-онанинг

назоратсиз ва уларнинг ишсиз қолишидан бўлса керак. Энг асосийси-ёшларни қизиқтирувчи мураббий — ташкилотчилар йўқлигидандир. Хуллас, сабаби кўп.

— Ҳозирги кундаги энг долзарб масала нима деб ўйлайсиз?

— Иқтисод масаласи, тақчиллик туфайли жиноят кўпайиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири деб биламан. Иккинчиси эса жиноятчиликка қарши курашишни бундан ҳам кучайтиришимиз керак.

— Шогирдларингиз кўпми?

— Ҳа, талайгина. Ҳатто мендан юқори лавозимда хизмат қилаётганлари ҳам бор. Улар билан фахрланаман.

— Бундан кейинги режаларингиз?

— Давлатимиз мустақил бўлди. Биз ҳар томонлама ўқимишли, маданиятли, энг муҳими ўз ҳақ-ҳуқуқларини биладиган, қонунларни тушунадиган фуқароларни тарбиялаб вояга етказмоғимиз лозим. Бу йўлда мен касб маҳоратимни ишга солиб кечая-кундуз меҳнат қилишга тайёрман.

Мухаббат опа Қосимбекованинг ўйлаб юрган ниятлари кўп. Омонлик бўлса, уларнинг ҳаммасини амалга оширишларига ишонаман. Чунки улар бир сўзли аёл.

Санобар ҚОДИРОВА.

ОМАД ФАОЛ КИШИГА БОҚАДИ

Техника тараққий этган бир даврда яшашамиз. Кўра-кўра кўзимиз ўрганиб қолган "Запорожец", "Москвич", "Жигули"лар қаторига чет элларда ишлаб чиқарилган "Волво", "Тойота", "Мерседес"лар келиб қўшилмоқда.

Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик, ўзи ва ўзгалар ҳаётига хавф туғдирмаслик аввало ҳайдовчи малакасига боғлиқдир. Бунинг учун шофёрлар тайёрлашга масъулият ҳиссини сезган ҳолда ёндошиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Бу борада қандай ишлар амалга оширилаяпти? Ҳайдовчилар тайёрлаш, уларга олган малакалари тўғрисида гувоҳнома бериш борасидаги ютуқлар ва камчиликлар нималардан иборат? Ульянов районлараро автомобильларни рўйхатга олиш ва имтиҳон қабул қилиш бўлими масъулиги, милиция майори Саттор Ашуров билан суҳбат шу ҳақда бўлди.

— Саттор ака, аввало бўлимга фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз. У асосан қайси районларга хизмат кўрсатади?

— Кўпчилик ҳали яхши билмайди. Бўлимимиз Ульянов, Косон, Муборак, Баҳористон, Усмон Юсупов районларига хизмат кўрсатади. Бу ерлардаги мавжуд ўқув юртлари тугаллаган, дарс машгулотларига актив қатнашган, синовларни яхши топширган ўқувчиларга ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади. Шу билан бир қаторда бешала райондаги автоуловлар рўйхатга олинади. Енгил автомашиналарнинг олди-сотди ишлари амалга оширилади.

— Ўтган ойлар ичида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирсангиз.

— Аввало шуни алоҳида қайд этмоқчиманки, бўлимимиз иштиёрида II та ҳайдовчи кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртлари фаолият кўрсатаёпти. Бу масканларда меҳнат қилаётган тажрибали ўқитувчилар, усталар бўлажак ҳайдовчиларга техника сирларини пухта ўзлаштиришда яқин кўмакчи бўлишмоқда. Ўтган ойлар ичида бўлимимизга 34 минг 800 фуқаро ҳар хил саволлар билан мурожаат қилишди. Биз уларнинг тақлифларини ўрганиб чиқдик. Саволларга тўлақонли жавоб қайтаришга ҳаракат қилдик. Яна шуни айтиш лозимки, ўтган ойлар ичида 1740 нафар ҳайдовчи кадрлар тайёрланди. 682 нафар ўқувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш бахтига муваффиқ бўлди. 738 нафар ҳайдовчининг енгил автомашиналарни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси алмаштирилди. Бундан ташқари 51

кишининг ҳайдовчилик гувоҳномаси қайта тиклаб берилди.

— Ҳайдовчиларни ўқитиш, тайёрлаш жараёнида камчиликлар кўзга ташланмаётганими?

— Аввало мавжуд ўқув юртларида таълим ишларини назорат қилиш тез-тез амалга оширилиб турилади. Бўлимимиз ходимлари белгиланган муддатларда бу ерларда бўлишиб, ишларнинг бориши билан атрофлиқа танишадилар. Камчиликлар ҳолисона кўрсатилади. Ўқитувчилар ва усталарга керакли йўл-йўриқлар ва бегараз ёрдам берилади. Ўқув дастурларининг ўзлаштирилиши, муаллимларнинг ишга бўлган муносабати, кадрларни тайёрлаш жараёнида юз бераётган майда-чуйда нарсаларни текширишдан ўтказиш одат тусига кириб қолган. Бўлимда меҳнат қилаётган ходим текшириш давомида далолатнома тузади. Унда ишдаги камчиликларни кўрсатиш билан биргаликда уни тугатиш чоралари, муддати белгиланади. Ўқитиш жараёнини яхшилаш, машгулотларни ҳар жиҳатдан намунали ўтказиш борасида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш учун ҳам муддат берилади. Бу, албатта, ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоқда. Текширишлардан маълум бўлдики, Ульянов районидаги 13-хунавар техника билим юрти, Косон районидаги "Ватанпарвар МКТ" ташкилоти, вилоят автоўқув комбинатининг Косон районидаги филиалларида ўқув ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Шу туфайли ҳам ўқув юртларида машгулотлар маълум фурсат тўхтатиб қўйилди. Қайта текшириш ўтказилганда ана шу камчиликлар ҳал этилганлиги, зарур нарсалар муҳайё қилинганлигини эътиборга олиб, гуруҳни қайта рўйхатга олишга рухсат этилди. Бироқ кўп маротаба текшириш ўтказилишига қарамаддан Усмон Юсупов районидаги "Ватанпарвар МКТ" ташкилотининг 8 ва 5-гуруҳ ўқитувчилари М. Ёмғиров, Д. Темировлар ўзларига билдирилган танқиддан тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Дарсларни мунтазам ўтмаганликлари, ўқитиш жараёнини яхшилаш чораларини кўрмаганликлари учун бундан кейин гуруҳлар ташкил қилишга рухсат этилмади. Худди шунингдек, Муборак районидаги "Ватанпарвар МКТ" ташкилотининг 12-, 14-, 18-гуруҳлари раҳбарлари Х. Қиличев, У. Кандимов, Р. Мамажумаев сингари ўқитувчилар кадрларни тайёрлашга етарлиқа аҳамият бермаганликлари учун машгулот ўтказишдан четлатилдилар. Ульянов районидаги "Ватанпарвар

МКТ" ташкилотининг

Ўқитувчилари Жўраев, Боболов, Х. Бойқобилов, Ш. Абдуллаевлар ишдаги камчиликларни учун вазифаларидан озод этилдилар.

— Имтиҳон қабул қилиш жараёнидаги ишлар ҳусусида нима дейиш мумкин.

— ДАН имтиҳони қабул қилинишидан олдин ҳар бир гуруҳнинг ўқитишга алоқадор ҳужжатлари кўздан кечирилади. Режа бўйича ўқитиш соатлари бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги текширилади. Тўлиқ дарс соатлари ўтилганлигига ишонч ҳосил қилингандан сўнггина имтиҳонга рухсат берилади. Мабоодо дарс соатлари тўлиқ ўзлаштирилмаган бўлса, яна ўқитиш учун қайтарилади. Бўлимга ходимлари график бўйича ҳар ҳафтада Косон ва Муборак районларида бўлишиб, кўча мартада имтиҳон қабул қилишяпти. Ўтган ойлар мобайнида 43 марта шундай имтиҳон қабул қилинди. 1728 киши синовдан ўтказилди. Бундан ташқари мотоциклларга давлат рақами тарқатиш ва фуқароларга огоҳлантириш талонлари бериш бўйича Косон, Муборак, У. Юсупов, Баҳористон районларида бўлиб, масъул кишиларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Автомашиналарнинг лимитдан ташқари фойдаланилиши ҳам назорат остида. Шу йилнинг ўзида 11 та автомашина лимитдан ташқари фойдаланилаётганлиги сабабли таъқиқлаб қўйилди. Фойдаланишга рухсат берилмаган машиналар фуқароларга сотилди.

— Ноқонуний равишда автомашиналар бошқариш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш ҳоллари ҳам учраб турибдими?

— Бўлмаса-чи! Районлараро автомобильларни рўйхатга олиш ва имтиҳон қабул қилиш бўлими масъулиятини 10 та автомобильларни таъмирлаш устaxonалари мавжуд. Буларда вақти-вақти билан текширишлар олиб борилаяпти. Натижада битта автомашинанинг кузов рақами қайта пайвандланганлиги аниқланди. Бунинг учун экспертиза хулосаси чиқди, текшириш ишлари олиб борилаяпти.

— Кўпчилик имтиҳонлардан ўта олмасдан айбни бўлимга ходимларига ағдаришади. Бунга қандай қарайсиз?

— Камчиликсиз иш бўлмайди. Аввало ҳар бир киши ўз ишига масъулият билан қараш керак. Фаол изланувчан, интилувчан бўлган кишига омад қулиб боқади. Шундай бўлгач, бизнинг бўлимимиз ходимлари ҳар бир фуқарога ёрдам беришга ҳамиша тайёр.

Суҳбатдош Мухиддин ЖўРАЕВ.

СУЛОЛА



Абдуқаҳҳор ака Ҳожиматовнинг босиб ўтган умр йўли милиция соҳаси билан чамбарчас боғлиқ. У Ангрен шаҳар ички ишлар бўлимида оддий милиционерликдан то раҳбарлик лавозимигача кўтарилди. Участка вакили вазифасида хизмат қилган пайтлари эл оғзига тушди. Кези келганда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ўқув марказида ички ишлар идораларига эндигина хизматга келганлар учун милиция соҳаси сирларидан сабоқ берди.

Йиллар ўтиб, Абдуқаҳҳор аканинг икки ўғли ота изидан юрди. Ҳозирда қирқ ешни қоралаган Абдужаббор Ангрен шаҳар ИИБга қарашли 7-сонли махсус комендатуранинг бошлиғи. Ички хизмат майори.

Афсуслар бўлсинки, Абдуқаҳҳор аканинг бошқа ўғли — Абдусаттор хизмат чоғида ҳалок бўлди. Ўша пайтда у ёнгининг олдини олиш қисми бошлиғи лавозимига хизмат қилаётганди. Билими кучли, ҳамкасблари орасида обрў-

этиборли эди. Ота қаттиқ куйди, енди. Начора, тақдир экан — кўнликди. Айниқса, набираси Абдуфаттоҳ — "Мен дадамнинг йўлини талладим", деганида, кўзлари секинча ешларига тўлди. Набирасини фикран бағрита босди. Айни кунларда Абдуфаттоҳ Тошкент Олий енгин-техника муҳандислари мактабининг учинчи курсида таҳсил олмоқда.

Абдуқаҳҳор Ҳожиматов заҳирага чиқиб ҳам тинч ўтиролмади. Ҳозирги кунда у Ангрен картон фабрикаси директорининг ўринбосари. Фарзанди, набираси қатори ҳамон халқ хизматида.

Шундай фидойилар доим бор бўлсин.

Мирқарим МИРСОВУРОВ.

СУРАТДА: (чапдан) Абдусаттор (марҳум), Абдуқаҳҳор, Абдужаббор Ҳожиматовлар, иккинчи қаторда Абдуфаттоҳ Абдуқаҳҳоров ва оиланинг бошқа аъзолари.

КЎЧАДА СИНГАН ОРЗУ

Афанди бир дон тухумни авайлаб ушлаганча ширин хаёллар-оғушида борарди: "Тухумни товукча бостирсам, бола очади. Яхшилаб парваринг, енида тухумга киради. Яна бостираман. Кейин..."

Рўпарадан келаётган йўловчи беҳосдан унга туртиниб кетдию ширин хаёлларини пардек тўзғитиб юборди. Тухум ерга тушиб синди.

Поп районида истикомат қиладиган Баҳодир Қўчқоров ҳам Афандининг кўйига тушди, десак муболага бўлмайди.

У Тожикистоннинг Ашт районидаги дўкондан баҳоси 8

сўм 70 тийинлик "Астра" сигаретидан 1 минг 10 қутисини харид қилди. Хаёлида эса ширин орзулар гулгон ўйнади: "Ҳозирги замонада меҳнат қилиш шарт эмас. Қаллани ишлатсанг, пул оқиб келаверади. Мана бу сигаретларни пулга айлантисам..."

Поп райони ИИБ Давлат автомобил назорати бўлимида сергак ходими Шамсиддин Абдурахмонов "беҳосдан" унга туртиниб кетдию тухумни... йўге, орзуларини синдириб қўйди.

Алҳам ҲАМИДОВ.

Қабристондаги ўчрашув

Сухбатдошим Ҳазорасп райони ИИБ жиноят-қидирув бўлими масининг бошлиғи, милиция капитани Ўктамбой Ёкубов. 1951 йилда шу районда туғилган. Ички ишлар идораларидаги хизматни 1975 йилдан Туркменистоннинг Газ-ачак кўргонида оддий милиционерликдан бошлаб, кейинчалик жиноят-қидирув бўлимида давом эттирган. Уч йилдан буён Ҳазорасп райони ИИБда дастлаб участка вакили, катта участка вакили ва сентябрь ойидан ЖКБ бошлиғи.

— Районда жиноятчиликка қарши олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб берсангиз?

— ИИБ ходимлари билан биргаликда жиноятчиликка ва бошқа хил қоидабузарликларга қарши курашда ходимларимиз анча ишларни амалга оширмоқдалар. Шу кунгача ўтган 10 ой мобайнида содир қилинган 130 та жиноятдан 110 тасининг очирилишига эришдик. Жиноятчилик айниқса ёшлар ўртасида кўпроқ. 1992 йилнинг октябрь ойида ҳудудимиздаги Фрунзе номи жамоа ҳўжалигида яшовчи, 1963 йилда туғилган Шокир Қобулов бошчилик қилган гуруҳ қўлга олинди. (Суриштирув ишлари олиб борилаётганлиги сабабли жиноятчиларнинг исм-шарифлари шартли равишда ўзгартирилиб берилмоқда). Ушбу жиноий гуруҳ 1972 йилда туғилган Эркин Матчонов, 1976 йилда туғилган Давлат Матмуротовлардан ташкил топган бўлиб, асосан давлат мулки, фуқароларнинг автотранспорт воситаларини ўмариш билан шугулланганлар. Тергов давомида улар қилган ишларини тўла тан олдилар ва ўғирлаган молларини топиб бердилар. Ёшлар томонидан қилинган яна бир

жиноятни мисол тариқасида айтиб ўтмоқчиман. Шу йилнинг 13 октябрида район марказидаги К. Отаниезов кўчасида жойлашган 54- уйда яшовчи фуқаро ИИБга ўз уйининг олдида турган яп-янги "МИНСК" белгили мотоцикли номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганлигини хабар қилди. Ушбу иш юзасидан тезкор гуруҳ тузилди. Тезлик билан ҳаракат қилинмаса, жиноятчилар изни йўқотишлари мумкин эди. Излар совумасдан қилинган ҳаракатларимиз зое кетмади. Жиноятчилар 2 киши бўлиб, шу кечаси қўлга олинди. Маълум бўлишича, улар мотоциклини ўғирлаб, тўғри район марказида жойлашган. "БАХОВАД-ДИНБОБО" қабристонига келтиришган. Худди шу ерда уни қисмларга бўлиб, керакли жойларга жўнатганлар.

Тезкор гуруҳ воқеа содир бўлган жойга боргач, воқеа ўрганилиб, ишга киришилди. Мотоциклнинг излари тўғри қабристонга қараб борарди. Лекин жиноятчилар бирон белги қолдирмаслик мақсадида мотоциклнинг изини супурги



билан ўчириб кетишганди. Бизга худди шу "ўчирилган" излар ёрдам берди. Фонар (чирок) ёқиб келишимиз сабабли ўғирлар бизларни кўриб қоча бошлашди. Қабрлар ичида уларни тутиб олдик. Мотоцикл яшириб қўйилган жойга борсак, улар "ўлжа"ни аллақачон бўлаклашга киришгандилар. Жиноятчиларнинг бу қабристондаги маконларида яна бир ўлжа—мотоциклнинг рамаси топилиди. 1972 йилда туғилган Зоир Раҳимов ва 1977 йилда туғилган Абдулла Ражабовларнинг тергов давомидаги кўрсатмаларига асосан яна бир неча жиноятларнинг очирилиши кутилмоқда.

— Ўктамбой ака, қўлимдаги рақамларга қараб менда яна шундай савол туғилди. Содир қилинган жиноятларнинг сентябрь ойигача очилгани 79,5 фоиз бўлган. Сентябрь ойидан бу ёғининг ўзида эса 93,5 фоиз очилган. Бундай кўрсаткичга қандай эришдингизлар?

— Бундай кўрсаткичга эришишимиздаги сабабларнинг бири илгари ЖКБда 2-3 киши ишлаган бўлса, ҳозир 7 нафар ходим ишляпти. Уларнинг кўпчилиги ёшлардир. Бундан ташқари ИИБ бошлиғимиз, милиция капитани Шавкат Абдуллаев ҳам янги бошлиқ ва у киши собиқ изкуварлардан. Илгари вилоят ИИБ ЖКБда ишлаганлар.

Яқинда, яъни шу йилнинг 20 октябрь кун кеч соат 22.30 лар чамасида ИИБга хабар тушди. Район марказидаги "1-май" кўчасида автофалокат содир қилинган. Тезлик билан ИИБ бошлиғи Ш. Абдуллаев бошчилигида жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция майори Ботир Отаниезов, участка вакиллари, милиция капитанлари Қодир Богбеков, Норимбой Отамуротов ва милиция майори Баҳодир Отабоевлардан иборат гуруҳ тузилди. Воқеа содир қилинган жойга етиб борганимизда, ҳайдовчи қочиб кетган эди. Жабрланувчи Тошкент олий билимгоҳларидан бирида таълим олаётган талаба Қувондиқ Машарипов эса касалхонага етмасданок ҳаётдан кўз юмди. Тезкор гуруҳнинг олиб борган аниқ ҳаракатлари туфайли тонги

соат 04 ларда жабрланувчига ёрдам бериш ўрнига қочиб кетган "ТАЗ-53" белгили машина ҳайдовчиси қўлга олинди. Фалокат жойидан топилган ашёвий далиллар шу машинага тегишли эканлиги тўла тасдиқланди. Ҳайдовчи ўз қилмишига иқроор бўлди.

— Энди бир-икки оғиз таркибида наркотик моддалар бор экинларни экиш ва сақлашга қарши кураш чоратадбирлари ҳақида гапириб берсангиз?

— Район ИИБ ходимларининг ҳушёрликлари натижасида юқоридаги каби жиноятчиликларнинг ҳам олди олинмоқда. Афсуски, ҳали ҳам қонунларимизга риоя қилмайдиган фуқаролар учраб туради. 9 ой давомида ҳудудимизда "кандир" (банг) ўсимлигини ўз томорқаларига "билмасдан" экканлар фаолияти билан боғлиқ 80 та фактаниқланиб, 58 нафар кишига чора кўрилди ва зарарли ўсимликлар йўқ қилинди. Бу фуқаролар орасида ўқимишли, ҳамма нарсани тушунадиган кишиларнинг борлигига, уларнинг "билмасдан" экканига ҳайрон қоласиз.

— Самимий суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдираман ва халқимизнинг осойишталигини сақлашдек қийин, лекин фахрли ишларингизда сизларга улкан зафарлар тилайман.

Саъдулла БОБО суҳбатлашди.

Суратларда: гумондор "БАХОВАД ДИН БОБО" қабристонига кўрсатма бермоқда; (ўнгдан) ЖКБ тезкор вакили милиция катта лейтенанти, Баҳром Қиличев, ЖКБ тезкор вакили милиция лейтенанти Богбек Матчонов, ЖКБ бошлиғи, милиция капитани Ўктамбой Ёкубов ва шу бўлим тезкор вакили, милиция капитани Раҳимбой Юсуповлар ашёвий далилларни кўздан кечирмоқдалар.

Муаллиф олган суратлар.



Ўзбекистон милициясининг 75 йиллиги тантаналари

Ўзбекистон милицияси туғилган кунининг 75 йиллиги кенг нишонланди. 10 ноябрь кун ички ишлар вазири ва бошқармаларида, шаҳар ҳамда район милиция бўлимида шу санага бағишланган тантанали йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу анжуманларга Удуг Ватан уруши ҳамда милиция фахрийлари таклиф этилгандилар.

Ана шундай йиғилишлардан сўнг бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан концертлар берилди. Тантаналарда байрам либосидаги милиция ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ҳам чин юракдан хурсандчилик қилдилар.

Худди шунингдек, ИИБ клубида ўтказилган шодна ҳафта кўпчилигининг эсидан чиқмайдиган бўлиб қолди.

.СУРАТДА: ИИБ клубидаги концертдан лавҳа.



ТЕРГОВ БОШЛАНДИ

Сирғали районида яшовчи, муқаддам РСФСР ЖМнинг 247-моддаси билан судлаган Б. Ҳамза районидаги хонадонларнинг бирдан қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб кетаётганида шу район милиция ходимлари томонидан ушланди.

Тергов жараёнида маълум бўлишича, у Улугбек районидаги хонадонлардан 12 марта ўғирлик қилганлиги аниқланди.

Район ИИБ терговчиси Шамсиддин Мирсалимовнинг айтишича, ўғри ўғирлик содир этган жойлар унинг иштирокида текширилганда Б.нинг бармоқ излари борлиги аён бўлди. У айбини бўйнига олди.

Тергов давом этмоқда.

ОЛДИ ОЛИНДИ

Гидромелиорация техникуми етоқхонасига меҳмонга келган терговчи милиция лейтенанти Холер Турсуновнинг эрта саҳарда "шитир-шитир" этган товушдан уйкуси бузилди. Ўрнидан туриб, деразадан қараса, қандайдир оғир юкнинг арқоқ билан пастга туширилаётганини кўрди. Ташқарига чиққанда ўғирлар "қуен" бўлишган эди. Кейин маълум

бўлишича, номаълум шахслар етоқхонанинг "Изумруд" рангли телевизорини ҳамда иккита палосини ўғирламоқчи бўлган эканлар. Терговчининг ҳушёрлиги ва аъжирлиги туфайли давлат мулки етоқхонага қайтарилди.

ЯНГИ "КАСБ" СОҲИБАСИ

Тошкентнинг Оқтепа ҳудудидаги 3-сонли дўкон ходимаси Татьяна янги касб эгаллади. У тиехванд моддаларни сотаётганида қўлга тушди. Уйи текширилганда 400 грамм наша топилиди ва йўқ қилинди.

АЙБИГА ИҚРОР

Бешегоч даҳасида яшовчи фуқаро Э. Муродхўжаев Шайхонтахур райони ИИБга омборидан кўп миқдордаги яна ичимликлар ҳамда уй-рўзгор буюмлари ўғирданганлиги ҳақида мурожаат қилди. Жиноят-қидирув бўлими ходимлари, милиция катта лейтенанти Мирсайд Сандақбаров, милиция капитани Комил Носиров, участка инспектори, милиция майори Тожибой Тешабоев ва милиция лейтенанти Олтинбек Ҳакимов иштирокида тезкор гуруҳ тузилиб, ўғрининг изига тушдилар. Ниҳоят уч кун ичида Чилонзор

районида истиқомат қилувчи фуқаро ушланди. У ўз айбига иқроор бўлди. Шериги эса изланмоқда.

НАВБАТ — РЎЗНОМА ДЎКОНИГА

11 ноябрга ўтар кечаси соат 24 ларда одатдагидек милиция сержантлари Ортиқали Сайлибоев ва Марат Ниезбековлар "Чорсу" майдони ҳудудини кўздан кечириётганларида шубҳали номаълум шахснинг 183-сонли рўзнома дўкони олдида турганини кўришди. Бу ҳақда дарҳол ИИБ наватчиси, милиция майори Йўлдош Раҳимовга хабар қилишди.

Зум ўтмай воқеа жойига шахсий таркиб бўйича рота командирининг ўринбосари, милиция лейтенанти Абдурашид Абдукаримов ва кўриқлаш бўлими взвод командирининг ўринбосари, милиция сержанти Зокир Мелибоевлар етиб келдилар.

Шубҳали шахс бир зумда 50 сантиметрли темир билан киоскнинг орқа томонини тешиб, 11 хил нарсаларни ўғирлашга улгурган экан.

У 1963 йилда туғилган, Зангиота районидаги "Бўстон" кичик тижорат корхонаси иқтисодчиси экан.

ЗИЁД.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

Дилшод машинасини ремонтдан олиб чиқди. У яна янги, салгина газни босса осмонга қараб учиб кетгудек. Бундан Дилшоднинг кайфияти кўтарилди. Усталар ишдан мамнун машинасини елдек учириб кетди. Бир зумда серкатнов кўчалардан бирига чиқиб олди. Машиналарни бирин-кетин қувиб ўтганича чоррахага яқинлашди. Светофорнинг яшил чироғи ёниб турарди. Аммо Дилшод у ерга яқинлашганида, бирдан сариқ чироқ ёниб қолди. Машинасини бир текисда юраётганидан кайфи чоғ эди, тезликни камайтиргиси келмади. То қизил чироқ ёниб, у томондаги машиналар кўзгалгунча чоррахадан ўтиб кетаман деб ўйлади. Шу ниятда газни янада кўпроқ босди. Лекин бундай фикрга бориб катта ва кўпол хатога йўл қўйганди. Чорраханинг Дилшод келаётган йўлга кесишган томонидан турган автобус сариқ чироқ ёниши билан аста жойидан кўзгалган, унинг ён томонидан турган енгил машина эса чоррахага кириб кела бошлаган эди. У автобус ортидан чиққан пайтда Дилшод чорраха ўртасига келиб қолганди. Ҳайдовчи уни кўрди-ю бир зумгина ўзини йўқотиб қўйди. Шу бир зум эса фалокат содир бўлиши учун етарли эди. Шундай қилиб чоррахада авария содир бўлди. Ҳозиргина ремонтдан чиққан, ўзининг янги, ялтираб турган буюклар билан эгаси кўнглига олам-олам қувонч бахш этиб турган машина ўша эслатилган вақт мобайнида эгасининг шошма-шошарлиги, хавфсизлик қондаларига риоя қилмаслиги натижасида пачоқланган темир уюмига айланди.

Бу воқеа республикамиз автомобил йўлларидан содир бўлиб турган йўл-транспорт ҳодисаларидан биринининг тафсилоти, холос.

Аварияларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг турлари эса жуда кўп ва хилма-хил. Уларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида-алоҳида мақолалар ёзиш мумкин. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, содир бўлаётган барча аварияларга ҳос айрим сабаблар борки, биз шулар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Мисол учун юқоридаги воқеани олайлик. Ҳўш, ушбу воқеа содир бўлмаслиги мумкинми? Албатта мумкин эди. Бунинг учун ўша биз шартли равишда Дилшод деб олган ҳайдовчи биринчи навбатда шошма-шошарлик қилмай, йўл ҳаракатида иштирок этаётган бошқа ҳайдовчиларга ҳурмат билан қараш, йўл ҳаракати қондасига қатъий равишда риоя этиши керак эди. Лекин афсуски у бундай қилмади. Оқибатда эса кўнгилсиз воқеа юз берди.

Ҳайдовчиларнинг, умуман йўл ҳаракатида иштирок этаётган шахсларнинг бир-бирларига нисбатан ҳурматсизликлари, мен сендан қоламанми, қабилида иш юритишлари ҳам кўпчилик ҳолларда кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқаради. Кўз олдингизга келтиринг: катта йўл, унда икки машина елма-ен кетиб бормоқда. Йўлнинг маълум бир қисмига борганда, елма-ен юришнинг имкони бўлмай қолади. Ана шундай вазиятда ҳалиги машиналардан бири тезликни бир озгина камайтирса бўлди, олам гулистон. Лекин аксарият ҳолларда шундай бўлмайди. Ўша икки ҳайдовчи имкони борица

биринчи бўлиб ўтиб кетишга интилади. Охи-оқибатда эртақда тасвирланган кўприк устида учрашиб, бир-бирига йўл бермасдан талашиб, сувга кулаб тушган эчкилар мисоли тўқнашиб, авария содир этишади. Бу бор нарса. Шундай воқеаларга кўпчилик машина ҳайдайдиганлар бир неча бор гувоҳ.

Энг ачинарли томони шундаки, шундай воқеа-ҳодисаларда фақатгина машиналар пачоқланиб қолмасдан, балки азиз инсонларнинг жонлари ҳам бевақт хазон бўлиб, кўплари турли хил тан жароҳатлари олиб, майиб бўлишмоқда. Масаланинг шу томони кишини ташвишлантиради, ўйлашга мажбур қилади.

Мана, кўлимизда 1992 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикамиз ҳудудида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилган маълумот турибди. Унга назар ташласак, ўтган тўққиз ой мобайнида жами бўлиб 11142 йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳўш, бу қамми еки кўпми? Агар ўтган 1991 йилнинг шу даврига нисбатан олсак, йўл транспорт ҳодисалари бир оз камайган. Рақамлар тили билан гапирадиган бўлсак, 1991 йил 9 ойида 13556 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганди. Бу йилги кўрсаткич 2414 тага камайган. 1992 йилнинг 9 ойида юз берган йўл-транспорт ҳодисаларида 1937 киши ҳалок бўлди. Демакки ўтган тўққиз ойида 1937 оила бевақт аза очди. Кишини ташвишга соладиган томони шундаки, йўл-транспорт ҳодисаларининг 3678 таси болалар билан боғлиқ. Натижада 540 бола ҳаётдан бевақт кўз юмиб, 3170 нафари турли хил даражадаги тан жароҳатлари олишган. Болалар иштирокида рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисалари сони ҳам ўтган йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан кам. Лекин бундай воқеалар битта бўлган тақдирда ҳам у жуда ачинарли ва ташвишланарли ҳолдир.

Юқорида биз келтирган 11142 йўл-транспорт ҳодисасининг аксарият қисми, яъни 8935 таси бевосита ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилган. Айбдор ҳайдовчиларнинг кўпчилиги қисмини, яъни 6586 нафарини шахсий автомашини эгалари ташкил этишади. Шунингдек, содир бўлган 735 аварияда ҳайдовчилар спиртли ичимлик истеъмол қилганликлари аниқланган. Қайд этилган 1835 аварияда ҳайдовчилар тезликни белгиланганидан ошириб юборганлар, 1709 авария қувиб ўтиш, 25 таси темир йўлдан ўтиш қондасининг бузилиши натижасида содир этилган.

Авариялар сони умуман олганда барча кўрсаткичлар бўйича 1991 йилнинг тўққиз ойига нисбатан сезиларли равишда камайган. Лекин бу хотиржамликка берилиш учун асос бўла олмайдми. Биз мазкур аянчли рақамларни янада камайтириш ҳақида, йўлга чиққан вақтда уйда оиламиз, ота-онамиз, фарзандларимиз интиқлик билан кутишаётгани тўғрисида ўйлашимиз, шошма-шошарликка, қондабузарликка йўл қўймаслигимиз зарур. Энг муҳими, кўча тасодифларга тўла эканлигини ҳар биримиз ҳар вақт едда тутишимиз шарт.

М. РИХСИЕВ.

КЎМИЛГАН СИР

57 ешли Шукурулла Маткаримов тирикчилик сабаб Беруний шахридаги 14-хунар-техника билим юртида қоровуллик қиларди. Ҳар куни кеч соат ўнларда ишга отланар, эртаси тонгда қайтарди. Ўша куни ҳам одатдагидек билим юрти томон йўлга тушди. Йўл бўйлаб кетар экан, замин узра қадамларини сўнгги бор қўяётганини у қаёқдан ҳам билсин. Сўнгги дақиқаларда у мотоциклнинг "пат-пат" овозини илгаб олди, холос. Кейин нима бўлганини...

Хабарга кўра етиб келган район ички ишлар бўлими ходимлари йўл бўйида қонига беланганча ётган Ш. Маткаримовни зудлик билан касалхонага жўнатишди. Воқеа содир бўлган жойда эса ҳеч қандай из қолмаган, елғиз умид қолданди эди. Касалхонадан эса қуйидагича жавоб келди: "Жабрланувчи вафот этди". Ҳам жабрланувчи, ҳам гувоҳ сифатидаги ягона кишининг ўлими ишни янада мавҳумлаштириб юборди.

Шу тариқа орадан уч йил ўтди. Шу йилнинг 15 августидан яна бир гуруҳ ушбу жиноятнинг изига тушди. Участка вакили, милиция лейтенанти Р. Қодиров, йўл-патрул хизмати катта инспектори, милиция кичик лейтенанти С. Абдотов, жиноят-қидирув бўлини маси оператив вакили, милиция катта лейтенанти Р. Тожибоевлар шаҳар ҳудудида истиқомат қилувчи хўжаликларга бирма-бир кириб чиқишди ва ниҳоят сирли қотилликнинг изини топишди.

... Ўша тун Шавкат ақасининг мотоциклда кетаётиб, йўл бўйида бораётган кимсани уриб юборди.



Мотоциклни тўхтатиб қарасаки, йўловчи асфальтда чўзилиб қолибди. Атрофда зог йўк. Фурсатдан фойдаланиб, қочиб қолишни афзал кўрди. Уйига келиб, кўзига уйқу илинмади. Милицияга бориб айтса, тамом, қамалади, ўқишдан ҳам ҳайдалади (Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш институтининг 3-курс талабаси эди). Қандай бўлмасин, изни йўқотиш керак. Шу ҳаёллар билан қўлга белкуррак олиб, томорқасига чиқди. Эни бир метр, узунлиги икки метр, чуқурлиги бир метрдан сал ошқ хажмда ўра қазиб, мотоциклнинг кажавасини кўмиб ташлади. Қардандир янги кажава топиб келди-да, мотоциклга улаб, миниб юраверди.

Аввалига хавотирланиб юрган Шавкат бир йилча вақт ўтгандан сўнг анча хотиржамланди. Иккинчи йили ҳам тинчлик бўлгани учун бўлиб ўтган воқеани унутди. Аммо учинчи йили милиция ходимлари ҳовлисига кириб келганларида эски яраси яна янгиланди. Кўмилган сир — кажава топилач эса... қон тутишига имон келтирди.

Б. Саъдуллаев.



СУРАТЛАРДА: ИИБ ходимлари Ш. Искандаровнинг томорқасидан мотоциклнинг кажавасини топиб олишди; тергов бўлими бошлиги, милиция капитани К. Ваисов (чапдан), ИПХ катта инспектори, милиция кичик лейтенанти С. Абдотов ва ДАН бошлиги, милиция майори Э. Олломова қажавани кўздан кечиришмоқда. Муаллиф олган суратлар.

Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди

Бозор иқтисоди ҳамма соҳага ўз таъсирини кўрсата бошлади. Нарх-наво юқорига сакраган сайин одамлар қалбини хавотир, иккиланишлар бадтар кемираётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Энг ачинарлиси, кишилар ўртасида инсоний фазилатлар ҳисобланмиш меҳр-оқибат, андиша, диёнатнинг йўқолиб бораётганлиги ҳар бир кишини ўйга толдиради. Рўзгор ташвиши ҳамда бола-чақа боқишни ўйлаётганларнинг муроиди ҳосил бўлса яхшику-я, аксинча бўлишидан худонинг ўзи асрасин. Катталар тугул болалар ҳам жиноят кўчасига кириб кетишяпти баъзан. Енгил-елпи ҳаёт кечириш, ишлагандан ташлашни ўзларига "қасб" қилиб олмоқдалар. Ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олаётган, жамиятимиз учун фойда келтириш ўрнига жиноятга-қўл ҳриб ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар келтираётган ўсмирлар сафи тобора кенгайётганлиги афсусландир.

Яқинда Касби райони ички ишлар бўлимининг балоғатга етмаган ешлар билан ишлаш бўлини маси бошлиги, милиция лейтенанти Орол Арабов билан қилган суҳбатимиз ешларнинг одоб, ахлоқи, улар ўртасида олиб

борилаётган тушунтириш ишлари, жиноятчиликнинг келиб чиқиши тўғрисида борди.

— Воёга етмаган ешлар билан ишлаш бўлини масида 3 нафар киши меҳнат қилади. Бизнинг вазифамиз улар ўртасида тарбиявий тушунтириш ишларини олиб бориш, йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш ва шу аснода жиноятчиликнинг олдини олишдан иборатдир, — дейди бўлини маси бошлиги Орол Арабов. — Ўтган ойлари ичида райондаги бир қатор мактабларда учрашувлар ўтказдик. Бундан мақсад мактаб ўқувчилари билан милиция ходимлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш. Ешлар тарбиясига доир 90 дан ортиқ суҳбатлар уюштирилди. Бунинг самараси яхши бўлди. Чунончи Ҳамза, Эргаш Ботиров, Гагарин, Ботир Дўстбоев номи мактабларда тахсил олаётган ўқувчи ешлар томонидан бирорта жиноятчилик аломатлари сезилмади.

— Гуруч курмак сиз бўлмайди дейишади. Ҳарқалай "одобсиз" болалар ҳам учраб турса керак?

— Гапингиз жуда тўғри. Хулқи ёмон, тарбияси бўшаштириб юборилган болалар пайт топди дегунча, жиноятга қўл уришяпти. Биргина ўтган тўққиз ойида воёга етмаган ешлар

томонидан 6 та жиноят содир этилди. 43 нафар ўқувчи турли майдон безорилик қилганликлари учун ички ишлар бўлимига келтирилиб, рўйхатдан ўтказилди. Улар ўз қилмишларига иқдор бўлишиб, бундан кейин тартиббузарлик ҳолатлари қи такрорламасликка ваъда беришди.

— Болалар иштирокида содир этилаётган ўғирликлар хусусида икки оғиз гапирсангиз.

— Ҳаммамизни ташвишга солаётган нарса — бу болалар ўртасидаги ўғирликдир. Кейинги пайтда ешлар кингир йўллар билан пул-топишга эъри беришяпти. Мана шулардан бири Отабек Эшонқуловдир.

Отабек Эшонқулов 1976 йилда Касби районидаги "Қашқадар" давлат хўжалигининг Денов қишлоғида туғилган. 6-хунар техника билим юртининг 1-босқич талабаси. Отабек шу йилнинг 4 июни куни район марказидаги "Аллот" савдо марказининг тайер кийимлар бўлимида ўғирлик содир этди. У нархи 114 сўмлик эркаклар шими-ни ўмариб кетаётган пайтда қўлга тушди. Ҳамтовоғи Шавкат Раҳимов билан олдиндан тузиб қўйилган режаси амалга ошмаганлигидан уялиб ер қизиб қолди. Ҳар икки талаба

Ўзбекистон жиноят мажмуасининг 114-модда, 2-банди билан айбдор деб топилди.

1977 йилда Қатагон қишлоғида туғилган Хуршид Домбасов ҳеч қарда ишламайди. Меҳнат қилишга, ҳалол пул топишга бўйни ёр бермаган Хуршид қишлоқдаги "Ешлик" бичиш-ти-киш цехига ўғирликка тушган. Вақт алламаҳал бўлганлиги, қоровулнинг ширин уйқуга кетганлигидан фойдаланган текинтомоқ цехнинг эшигидаги қулфни бузиб, ичкарига кирди. Кўзига яхши кўринган бирор нарсани топа олмагач, унинг жигибйрони ошди. Қуруқ қайтган номард дея 160 метр газлама (оқ сурп)ни қўлтиқлади. Бу ўғирлик ҳақида шов-шув тез орада қишлоққа тарқалди. Сир ошқор этилиб, ўз қилмишига иқдор бўлгач, ҳамқишлоқлари унинг айбидан ўтишди. Ялиниб-елворишлари, берган ваъдалари инобатга олинди. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Хуршид яна жиноятга қўл урди. У бу гал қишлоқдаги дўконга ўғирликка тушди. Уч дон эркаклар шими (ҳар бирининг баҳоси 212 сўмдан), бир дон аёллар қўйлагини ўғирлади. Бироқ бу гал жазосиз қолмади. Унинг устидан тўпланган тергов материаллари

район халқ судига юборилди.

Алишер Навоий номи давлат хўжалигининг Кул қишлоғида яшовчи Анвар Абдуллаев, қўшниси Ҳамро Йўлдошевни қиғи ўғирликка тушди. 1975 йилда туғилган, тоғни урса талқон қиладиган Анвар 30 килограмм ўғирланган қўй жунини қолхоз бозорига чиқариб сотаётганида ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

Ешлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш борасида бўлини маси фаоллик кўрсатишяпти. Улар хулқи бузуқ болалар билан эринмасдан шуғулланмоқдалар. Ота-оналар эса бола тарбиясига янада жиддий эътибор бериш, жамиятимиз, мустақил республикамизнинг раънақига-равнақ қўшиш борасида изчил ҳаракат қилишни талаб этишмоқда.

Кексаларимизда ажойиб бир гап бор. Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Болалар ўртасида юз бераётган тартибсизликларнинг асосий сабабчиси бу оиладир. Оилада яхши тарбия кўрган ўсмир ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди. Носоглом муҳитда яшаётган болаларни жиноятчилик йўлидан қайтариш эса бурчимиздир.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош Ж. МУҲИДДИНОВ.

Армайс Гульянц

Айбини бўйнига олиб

“ОТИШМАЛАРСИЗ ЖАНГЛАР” ҚИССАСИДАН ПАРЧАЛАР

(Охири. Боши ўтган сонда).

Бу ғоя Петросовнинг хаёлига Човли районига келган биринчи кунёқ ўрнашиб қолган эди. Ушанда Собировнинг қайноғаси билан бўлиб ўтган суҳбатда жиноятчининг яқин қариндошлари, шу жумладан онаси билан яхши таниш деган гапни эслаб қолган эди. Шундан бери Карим акага ёрдам сўраб мурожаат қилиш фикри Александр Николаевичнинг хаёлидан кетмайдди. Шунча йилдан бери яшириниб юрган Тўлқин онаси билан алоқа ўрнатмаганига ақл бовар қилмасди. Унинг қаердалигини онаси албатта билиши керак. Терговчи Гринбергнинг ҳам бунга ишончи комил. У ёзган хатни айнади Муҳайё ая орқали жўнатиш даркор. Хат эса ҳозир Петросовнинг чўнтагида.

Човлидаги олиб бораётган ишлари тўғрисида Александр Николаевич умумий тарзда очиққўнғил, бақалоқ Қудратга гапириб берган эди. Ундан эса, ўз навбатида қариндошидан Петросовга маълум бўлмаган нарсалар ҳақида, чунончи Тўлқин қаердан дидир тўпсонча топанлигини, ҳозир қазаб отига миниб, жуда ҳам хавфли эканлигини, турар-жойини тез-тез ўзгартириб туришини билиб олди.

— Афтидан қайноғанг билан очиқчасига гаплашиб оладиган вақт келганга ўхшайди, — деди полковник. — Бунинг устига, менимча, у баъзи нарсаларни фахмлаганга ўхшайди. Ҳар ҳолда уникига бекорга бормаганимизга имони комил.

Кўп ўтмай ана шундай суҳбат тун яримдан оққанда бўлиб ўтди.

— Карим ака, — дея гап бошлади Петросов, — сиз ақли, фақат колхоздагина эмас, балки районда ҳам ҳурматга эга одамсиз. Ҳалол, бирсўзли киши эканлигинингизни ҳам биламиз. Шунинг учун сиз билан очиқ-ойдин гаплашишга қарор қилдим. Мени тўғри тушунарсиз, деб ўйлайман.

Зокиров Александр Николаевичнинг гапларини кўзларини ерга тикканича, индамай тингларди.

— Гарчи биз самимийлигингиз ва меҳмондўстлигингизни юқори баҳолаган бўлсак ҳам, сизникига шунчаки меҳмон бўлиб келмаганимизни фахмлаганлигингиз кўриниб турибди. Биз бу ерга оғир жиноят қилган Каримов яшириниб юргани ва ўзингиз айтганингиздек, яна бир нечта кишини ўлдираман деб дўқ қилаётгани учун келдик. Янги қотилликларга йўл қўйиб бўлмайди.

Карим ака бу гапларга қўшилгандай бош силкиб қўйди.

— Эсингиздами, — давом этди Александр Николаевич, — бу ерга келган биринчи кунимиз Тўлқин қайсидир йўл билан қариндошлари, жумладан онаси билан алоқа ўрнатган деган эдингиз. Буни қаердан биласиз?

— Муҳайё аянинг ўзи айтганди...

— Ая билан яна бир марта учрашиб, ўғли одил суддан яшириниб юриши билан шундоқ ҳам оғир қисматини янада мушкуллаштираётгани, эртами-кечми қилиши учун барибир жазо олиши муқаррар эканлигини тушунтиришга уриниб кўрмайсизми? У қанчалик эҳтиёт бўлмасин, қўлга тушади. Шундай экан, эс-хушини йиғиштириб, айбини бўйнига олиб келсин. Бу унинг қисматини енгиллаштирувчи ягона, такрор айтаман, бирдан-бир йўл. Бизга ёрдам беришга розимисиз?

Зокиров соқолини тутамлаганича, анча вақт ўйлаб қолди.

— Муҳайё ая билан гаплашиб кўришим мумкин, — деди у ниҳоят секингина. — Лекин бундан ҳеч нима чиқмайди. Ая Тўлқин жуда даргазаб деган эди.

— Вазифангиз енгиллаштириш учун, — деди Петросов чўнтагидан хат чиқарар экан, — мана буни олинг. Уни Каримов яхши танийдиган ва ишонадиган одам ёзган. Хатни қандай йўл билан етказишлари мени қизиқтирмайди. Муҳими Тўлқин уни ўқиб, тўғри хулоса

чиқаришида.

— Яхши, уриниб кўраман...

Эрталаб қовоғи солиқ ва камгап Карим ака автобуска ўтириб шаҳарга жўнаб кетди. Кечкурун чехраси анча ёришиб қайтди.

— Муҳайё ая хатни олди, — деди у меҳмонларнинг унсиз саволларига жавобан. — Лекин бир ўзи ҳеч нарсани ҳал этолмайди, қариндошлари билан маслаҳатлашиб кўради. Фақат шундан кейин менга жавобини беради.

— Катта раҳмат сизга, — деди Петросов унинг қўлини сиқар экан. — Буни галаба десак ҳам бўлади...

Бир неча кун орзиқиб кутиш билан ўтди. Ниҳоят Човлига қилган навбатдаги сафаридан қайтган Карим ака:

— Тўлқин хатни олибди ва уни юборган бошлиқ билан шахсан учрашмоқчи эканлигини айтибди, — деди. — Лекин шарти бор: учрашув шаҳар ташқарисида, чўлда ўтиши керак. Сен бир ўзинг, кўролсиз боришинг керак.

“Эҳтиёткор йигит, — ўйлади Александр Николаевич. — Нима ҳам дердик, унинг аҳволига тушиб қолган одам учун бу табиий ҳол”.

— Қачон ва қаерда? — сўради у.

— Эртага туш пайтида, довонга олиб борадиган йўлнинг йиғирманчи километрида. Йўлнинг ўнг томонида баланд тепалик бор, у ўша ерда кутади. Сен уни дарҳол кўрасан, сайхон, шўрхок жой... Машинани учрашув жойига етмасдан қўйиб кетасан.

Петросов деярли тун бўйи буткул мижжа қоқмади. Дўсти учун ташвишланаётган Қудрат ҳам ёнидаги кўрпада тўлганиб чиқди. Бу ерга келишларига сабаб бўлган ишда энг масъулиятли палла бошланганини иккаласи ҳам яхши тушуншарди. Фақат эрталабга борибгина ухлаб қолишди. Уйғонишганида қуёш тоғ чўққиларига нур тарата бошлаган эди. Ҳаво анчагина совуқ. Сержант Костин машина ёнида куймаларан, Карим ака юкхонага бензинли идийш солиш, рафикаси эса дастурхон тузатиш билан овора.

Қўмғондаги муздай сувда ювинишиб, шошилмасдан нонушта қилиб олишди. Пешингача ҳали вақт бор эди. Ниҳоят Петросов дадил ўрнидан турди.

— Вақт бўлди, — деди-да ҳайдовчининг ортидан машина сари йўл олди. Тиккасига кетаётган йўл ўн бешинчи километрга келганда тўсатдан паства тушиб, сайхонликка чиқди. Атрофга назар ташлар экан, у жиноятчининг эҳтиёткорлигига тан берди. Ҳақиқатан ҳам юзма-юз учрашув учун бундан қулайроқ жой топиш амримаҳол эди. Теварак бийдай дала, ҳаммаёқ яққол кўриниб турибди. Александр Николаевич ҳайдовчига ишора қилган эди, “Волга” йўл четига ўтиб тўхтади. Буёғига пиёда кетиши лозим.

Мана, йиғирманчи километр, йўлнинг ўнг томонида баландлик. Унинг тепасида бир киши турибди. Петросов ҳаяжонини босганича катта-катта одим ташлаб, унинг ёнига борди. Каримов (бу ўша эди) унга бошдан-оёқ разм ташлаб чиқди. Ўнг қўли кенг шимининг чўнтагида. Сўнг теварак-атрофга ҳам диққат билан қаради ва афтидан хотиржам бўлди.

— Салом, начальник, — деди бўғиқ овозда, — терговчининг онамга берган хатини ўқиб чиқдим.

— Хўш, жавоби қандай бўлди?

— Ҳеч қандай, — кулимсиради Тўлқин. — Мени ўлдирамиз деб дўқ қилиб уришганда, хотинимни тортиб олишганда, бутун районга шарманда қилишганда қаерда эдинглар? — Каримов типини гижирабди, чўнтагига солинган қўли титраб кетди. Петросов сергакланди.

— Қўрқма, қўрқма, начальник, сенга адоватим йўқ. Анавилар билан эса албатта ҳисоб-китоб қиламан.

— Ҳа, сени хафа қилишганини инсон сифатида тушунаман, — деди Александр Николаевич. — Лекин пичоқни ишга солиб, одамларни ўлдиришгача бориш даражасида хафа қилишгани йўқ-ку.

Фақат Ватанга ҳиёнатгина бундан оғirroқ жиноят ҳисобланади. Сен эса яна ўлдираман деб дўқ қилаёсан. Наҳотки шундай яшаш жонингга теғмаган бўлса, Каримов? Сен нодон одам экансан, эртами-кечми қора курсига ўтиришингни ҳам биласан. Агар ўзинг аввалроқ бориб, айбинга иқроор бўлсанг, қисматингни енгиллаштиришинг мумкин. Дарвоқе, хатда буларнинг ҳаммаси ёзилган.

Тўлқиннинг гаплари сохта ботирликдан бошқа нарса эмасди. У бирданига шалпайиб қолди ва пешонасидаги терни артди.

— Хўш, майли, бош эгиб бордим ҳам дейлик. Лекин мени отиб ташламасликларини учун қандай кафолат берасиз?

— Мен сенга ҳеч қандай кафолат бера олмайман, албатта. Бунинг учун суд бор. Сен оғир жиноят қилгансан ва, қонун олдида шунга яраша жавоб берасан.

— Менга ёлгон гапирмаётганлигинг яхши, начальник, — Тўлқин нималарнидир ўйлаганича жим қолди, сўнгра гапида давом этди. — Лўлиларга ўхшаб ҳаёт кечириш ўзимнинг ҳам жонимга теғди, доим дарбадар бўлиб, яшириниб юришдан чарчадим. Таклифинг ҳақида ўйлаб кўраман. Жавобини яна Карим ака орқали оласан.

— Қачон?

— Шошилма, начальник, шошилма. Қартага сенинг ҳаётинг қўйилган эмас. Қачон хоҳласан, ушанда айтаман, бу балки эртароқ юз берар. Энди бор, кетавер, орқанга қарама...

Петросов аста-секин тепаликдан тушди-да, машина томон кетди. Анчагина йўл босиб ўтгач, барибир орқасига қарашдан ўзини тўхтата олмайди. Тепаликда Каримов кўринмасди. Бундан кейин у ўзини қандай тутар экан? Оқилона қарорга келиш учун журъати етармикан?

Лекин воқеалар тез ривожлана бошлади. Човлига бориб келган Карим ака эртасига кечкурун Тўлқин онасиникида эканлиги, у ерда тунаб, эрталаб бу ерга келишини айтди.

Петросов бошқармага Каримов билан қайтди. Оператив қидирув бўлими ҳисобига яна бир муваффақиятли тугалланган ишни ёзиб қўйиш мумкин эди.

Петросов билан раҳбарият ўртасида биринчи низо бошқармада оператив-қидирув хизмати ташкил этилаётган дастлабки кунларда, майорлик чоғида рўй берган эди. Бу воқеа Александр Николаевичнинг ёнида бутун тафсилотлари билан қаттиқ ўрнашиб қолган.

— Сенда нечта қидирув иши бор? — сўради генерал уни хонасига чақириб.

— Ҳозирча олтига, — жавоб қилди Петросов.

— Улар билан қанча вақт овора бўлмоқчисан?

— Ишларнинг аҳволи ўлда-жўлда, ўртоқ генерал. Улар бизга келиб тушгунга қадар, узоқ йиллар мобайнида қидирув ишлари деярли олиб борилмаган. Ходимларим жиноятчилар ҳақидаги қўшимча маълумотларни зарралаб йиғишмоқда. Анча вақт ўтганлиги учун кўплаб фактлар айрим гувоҳларнинг ёнидан чиқиб кетган. Маълумот бераётганларида тез-тез чалкашиб кетишади, бир-бирларига зид гапиришади.

— Бу ишларни бир бало қилиб, тезда тугат.

— Қандай қилиб, ўртоқ генерал?

Ёкубов бармоқлари билан асабий равишда столни чертди.

— Қандай қилинишини сенга ўргатишимнинг ҳолати йўқ, — деди у. — Масалан, ўша хотиралари паст гувоҳларни тафсилотлар эсларига тушмагунча сиқувга ол, чўчитиш учун қамаб қўйишнинг ҳам мумкин. Бирор ҳафта ўтириб чиқишса бало ҳам урмайди. Сен эса бу вақтда ўша олтига ишни якунланган деб расмийлаштир. Улар ҳақида ҳисобот бергинда, сўнг архивга ташла...

Александр Николаевич кулоқларига ишонмасди. Аввалига бошқарма бошлиғи ҳазиллашаётган деб ўйлади, лекин унинг юзи хўмрайган ва жиддий эди.

— Қанақасига, ўртоқ генерал, — ҳатто овози ҳам хириллаб чиқди. — Айбисиз, жиноят қилмаган одамларни ноқонуний қамаш?

— Сенга айтаяпманку, ахир — бир ҳафтадан кейин уларни тўрт томонларнинг қибла деб қўйиб юборамиз. Ҳатто кечирим сўрашимиз ҳам мумкин. — Ёкубовнинг жаҳли чиқа бошлади. — Хуллас,

айтганларимни бажар!

Александр Николаевич ўйланганича жим турар эди. Буйруқни бажариш — қонунни қўпол равишда бузиш дегани. Бажармаса бўлими айни кучга кираётган, одамлар унга ва ўзларига ишонч ҳосил қилаётган пайтда ортиқча ташвиш ортиради. Ўз виждонига хилоф иш қилиш ўртоқларига ҳиёнат қилиш билан баробар. Унинг иккиланиши фақат бир дақиқагина давом этди, лекин мана шу қисқа сонияларни у кейинчалик кўп марта уялиб эслаб юрди. Ички ишлар идораларида ҳалок бўлган акасининг ўрнига келган чекист қандай қилиб иккиланди ўшанда?

— Бундай қилолмайман, ўртоқ генерал, — деди у қатъий оҳангда. — Милиция ходими сифатида ҳам, коммунист сифатида ҳам буйруғингизни бажара олмайман.

Ёкубов панжаси билан столга тарақлатиб урди.

— Бошқармага сенинг ҳақиқатпарастлигинг эмас, очилган жиноятлар сони керак. Қаранг-а, коммунист эмиш! Мен-чи, сенингча мен кимман? Яна шунга ҳисобга ол — бу рақамлар у ерга керак, — шундай дея у кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, юқорига кўтарди. — Бор, майор, танангга бир ўйлаб кўр. Сен бўлмасанг, бошқалар буйруғимни бажаришади.

— Ўзимга ҳам, ходимларимга ҳам бундай қилишга йўл қўймайман, — кескин жавоб қилди Петросов ва тез юрганича хонадан чиқиб кетди.

Бу гапдан кейин орадан анча вақт ўтди. Бўлимнинг ишлари ҳам кўнгилдагидай борарди, ўша беҳосият олтига иш ҳам муваффақиятли тугалланди. Генерал бўлиб ўтган можарони унутиб юборгандай эди. Ҳар ҳолда Александр Николаевичга бу тўғрида гапирмасди.

“Афтидан, ҳаддан ошириб юборганини тушунган бўлса керак, — деб ўйларди Петросов. — Ички ишлар идораларида янги одам эмас-ку, тажрибаси ҳам етарли...”

“Мулла Саид” лақабли ўта хавфли жиноятчи топилиб, қўлга олингани ҳақида ҳисобот ва бу ишда қатнашган ходимларни рағбатлантириш тўғрисида рапорт ёзаётганида, шу фикр хаёлидан ўтди.

Ёкубовнинг хонасида генералдан ташқари жиноят-қидирув бўлими бошлиғи, полковник Крамаренко билан бошқарма парткомнинг котиби майор Ғозиев ҳам ўтиришган экан. Уччаласи ниманидир муҳокама қилишаётган бўлиб, Петросов кириши билан жим қолишди.

— Сизга хабар қилгани келувдим, ўртоқ генерал, — деди остонаданоқ Александр Николаевич. — Ўта хавфли жиноятчи Оллоназаров бугун кечаси Чориқ районининг марказида қўлга олинди. Мана, амалга оширилган оператив-қидирув ишлари ҳақидаги батафсил ҳисобот ва шу иш билан шуғулланган ходимларни рағбатлантириш тўғрисида менинг илтимосномам...

— Уларни рағбатлантириш эмас, жазолаш керак, — гапга аралашди Крамаренко.

— Гапингизни тушунмадим, ўртоқ полковник, — дея савол назари билан унга қаради Петросов. — Яхшироқ тушунтириб берсангиз...

— Яхшироқ тушунтиришим ҳам мумкин. Барча найрангларингиз ва сиз айбини тан олиб келиш деб атаётган психологик тажрибаларингиз жиноятчини тезкорлик билан ушлашга ҳалакат берибгина қолмай, шунингдек ходимларни ишдан совутади ҳам. Энди улар ўзларини хонаки Шерлок Холмсдай ҳис этишиб, ҳатто жиноят-қидирув бўлими ишига ҳам аралашмоқдалар.

— Масалан?

— Мисоллар етарли. Биз бир неча жиноий иш қўзғатдик, жиноятчиларни қидириш учун ҳамма нарсани, яъни исми, отасининг исми, фамилияси ва бошқа маълумотларни бердик. Сизнинг одамларингиз эса бу одамларнинг жиноятга алоқаси йўқ, ҳали кўп нарсаларни қайтадан текшириш керак дейишмоқда. Демак, биз сизнингча тентак эканмизда?

— Одамнинг айбдор ёки айбдор эмаслиги тўғрисидаги узил-кесил қарорни мен ёки менинг ходимларим эмас, суд чиқаради, — деди Петросов жаҳл билан. — Биз эса, дарвоқе сиз ҳам, терговга тўғри маълумотлар беришимиз керак. Бу маълумотларни тўплаш учун сиз айтган пинкертончалар озмунча югуришадими. Устига-устак, бу ишлар қўшимча вақт талаб қилади. Сизнингча, у ёки бу ишни синчиклаб текшириш ўрнига одамни қамаш осонроқ бўлиб чиқаяпти. Мен тамоман қарама-қарши фикрдаман! Тан оламан, бундай жиноятларни очиб фойзи камроқ бўлади. Лекин мен сохта маълумотларга айбсиз одамлар жабрланиши мумкин бўлган ёлгон кўрсаткичларга бутунлай қаршман.

Русчадан А. Шарипов ўтирган.

ЧОРШАНБА
18 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Учрашув". Телефильм. 8.15 "Отпуская чиколмадик". Бадий фильм. 9.30 Турк тили. 10.00 Болалар учун. "Мити юлдузлар". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Сув ўтлари ва уларнинг аҳамияти.

18.00 Янгилар. 18.10 "Жасур болакайлар". "Чурек ва кичкинтой". Мультфильм. 18.30 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Мехр". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Санъат олами". Халқ амалий санъати. 19.50 "Гилон". Телефильм. 20.00 "Ҳожинакбар Хамидов куйлайди". Фильм-концерт. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида. 21.30 "Олтин бешик". Андижон вилоятидан кўрсатув. 22.40 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

23.10 "Қадимги шўхликлар". Бадий фильм. 00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Уолт Дисней таништиради..." Мультфильмлар тўплами. 19.20 Спринт. 19.40 "Билим сарчашмалари". 20.10 "Шарк лирикаси". 20.35 "Мехр-шафқатли бўлайлик". 21.15 Суперспорт. 22.00 "Бузоқ йили". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.

6.00 Янгилар.

6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьери. 10.50 Мультфильмлар: "Рикс—хохолот", "Бир кун саҳрода". 11.10 "Ватани дуо қиламан". Телефильм. 12.00 Янгилар.

КУНДУЗГИ КИНОЭКСПРЕСС

12.20 "Умрбод эр". Телевизион бадий фильм. 2-серия. 13.35 "Эски автомобил". Мультфильм премьери. 13.40 "Мурасалари тўғри келмади". Телевизион бадий фильм.

15.00 Янгилар. (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Майя арис". Кўп серияли мультфильм. 17.05 "Қўлаб мусикалар". Рок-сабқ кўрсатуви илова. 17.50 "Матбуот-экспресс". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).

18.25 Давлатларо "Останкино" телеканали таништиради. 19.00 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьери. 19.45 "Театр-ТВ". 20.45 Хайрли тун кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Биринчи матбаачи Ионнинг ихтироси". Беш серияли телевизион бадий фильм премьери. 4-серия. 22.30 Владимир Молчановнинг "Хотира" кўрсатуви. 23.50 "Рамонак" фольклор триоси куйлайди (Минск). 24.00 Янгилар. 00.40 "Труба" радиоси. 01.10 "Цунами". Телефильм. 02.10 "Мурасалари тўғри келмади". Телевизион бадий фильм.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ёлонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Асил ҳолича". 9.50 Параллеллар. "Қалбдан қалбга". 10.05 "Янги ном". Алексей Шаганов. 10.20 Маърифат самараси. "Карповкада". 11.05 Мульти-пульти. 11.15 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 100-серия. 12.05 Мульти-пульти. 12.15 "Монстр". Хужжатли телесериал. 2-фильм — "Иосиф Сталиннинг махфий полицияси". 13.05 "Холвани ҳоким ейд..." 14.00 Очқ дунё. "Уммон". Афсоналар ва оддий кунлар. 14.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 14.35 Деҳқонларга тааллуқли масала.

15.55 "Бизнес: янги номлар". 16.10 "Сочи. Кузги мавсум". 16.40 "Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак?". Австрия телефильмининг муҳокамаси. 16.55 Янгилар. 17.10 Трансроссфир. "Узоқ Шарк". 17.55 Ёлонлар

18.00—22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.25 Криминал хабарлар экрани. 22.35 "Монстр". Хужжатли телесериал премьери. 3-фильм — "Сталин: онг ва қалб устидан назорат". 23.25 Телекроссворд "Музбиржа". идеоклиплар танлови. 23.55 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 00.25 "Экзотика".

ЖУМА

ПАЙШАНБА
19 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 Толибжон Бадинов куйлайди. 8.40 "Ишдаги ишқ моҳароси". Бадий фильм. 1-серия. 10.05 Араб тили. 10.35 Ўқув кўрсатуви. Хамид Олимжон лирикаси. 11.05 "Ўтов". Телефильм. 11.25 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. Сув — ҳаёт манбаи. 12.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.

18.00 Янгилар. 18.10 "Дангаса киз". Мультфильм. 18.20 Болалар учун. "Санъат гунчалари". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Қишда ҳам ёз неъматлари". 19.50 "Туй". Адабий кўрсатув. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 "Мерос". Мақом тарихидан. 22.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.40 "Бобби". Бадий фильм. 1-серия (Хиндистон). 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.00 "Устахона". 19.45 "Ранг-баранг шишалар". Телефильм. 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.10 "Бу оқшомда". 21.20 "Пульс". Хабарлар. 21.30 Ёлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьери. 10.50 "Симха" ҳудудий мусика ансамблининг концерти. 11.20 "...16 ешгача ва ундан катталар". 12.00 Янгилар.

КУНДУЗГИ КИНОЭКСПРЕСС

12.20 "Катталар ўзи галатида". Телевизион бадий фильм. 13.35 "Колењолик паришонхотир". Телевизион бадий фильм (Италия).

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Майя арис". Кўп серияли мультфильм. 17.05 "440 герц". Ўсмирлар учун мусикий кўрсатув. 17.50 "Матбуот-экспресс". 18.00 Янгилар. (сурдо таржимаси билан). 18.20 "...16 ешгача ва ундан катталар". 19.00 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьери. 19.45 "Кинопанорама". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Биринчи матбаачи Ионнинг ихтироси". Беш серияли телевизион бадий фильм премьери. 5-серия. 22.45 "Қора кут". 23.10 "Тапиришса гадиришаверсин". И. Корнелюк томошалари. 24.00 Янгилар. 00.40 А. Скрывин. 1-симфония. 01.30 "Шам ўчиб қолмаслиги учун...". Л. Гумилев. 02.05 "Колењолик паришонхотир". Телевизион бадий фильм.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 "Монстр". Хужжатли телесериал. 3-фильм — "Сталин: онг ва қалб устидан назорат". 9.40 Ишдан бўш пайтингизда. 9.55 "К-2" таништиради: "Абзац". 10.25 "Хали англамаган коинот". 10.55 "Экзотика". 11.55 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 101-серия. 12.45 "Пилгрим". Россия саёхатлар бюроси. 13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.35 "Деҳқонларга тааллуқли масала".

16.00 "Бозорни ўрганамиз". 16.30 "Рост" студияси. "Мусикий саргузаштлар". 16.55 Янгилар. 17.10 Трансроссфир. "Хусусийлаштириш панорамаси". 17.55 Ёлонлар.

18.00—22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.25 Сиеат майдонида. 23.20 Спорт кўрсатуви. 23.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 23.55 Эркин кураш бўйича жаҳон кубоги. 00.25 "Арт-обстрел".

ЖУМА

20 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25

Зангори
экранда

"Шоирлар хиебони". "Истикбол эгалари". Телефильмлар. 8.30 "Ишдаги ишқ моҳароси". Бадий фильм. 2-серия. 9.35 Инглиз тили. 10.05 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Нишона". 10.35 "Рақслар жилоси". Олима Ёкубова.

18.00 Янгилар. 18.10 "Наташа учун эртас". "Ўйинчоқлар сири". Мультфильмлар. 18.30 "Ҳаёт ва қонун". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Мозийга қайтиб...". Абдулла Кодирий таваллудининг 100 йиллиги олдидан. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Хорманг, бободеҳқонлар!". Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 21.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.15 "Бобби". Бадий фильм. 2-серия. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

АШГАБАД КЎРСАТАДИ

"ОРБИТА IV"

5.55, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Кидди-Видди". 9.35 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 10.20 "Чала қолдирилган дарслар мамлакатидан". Мультфильм. 10.40 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 11.30 "Америка М. Таратута билан". 12.00 Янгилар.

КУНДУЗГИ КИНОЭКСПРЕСС

12.00 "Любахов". Телевизион бадий фильм. 13.30 "Маймоқ айик". Мультфильм. 13.35 "Керакли одамлар". Телевизион бадий фильм.

15.00 Янгилар. (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 "Ён дафтар". 16.10 "Майя арис". Кўп серияли мультфильм. 16.55 К. М. Вебер. "Гитара ва фортепиано ижроси учун дивертисмент". 17.10 "Марказ". 17.50 "Матбуот-экспресс". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Давлатларо "Останкино" телеканали таништиради: "Пралле оиласи" (Беларусь). 18.50 "Инсон ва қонун". 19.20 "Америка М. Таратута билан". 19.50 "Мўжизалар майдони". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Хуноб бўлди". Бадий фильм (АҚШ, 1949 й.). 23.15 Катталар учун мультфильм. 23.30 "Мусикий жиллолар". 24.00 Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ёлонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Сиеат майдонида. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. "ТВ-ателье". 10.05 Кипрас Мажейка. НАТОдан репортёрлар. 10.35 "Арт-обстрел". 11.35 "Чангалзорларда". 12.05 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 102-серия. 12.55 Гоголь уйда кечалар. Кўрсатувни муаллиф И. Золотусский олиб боради. 13.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.45 "Деҳқонларга тааллуқли масала".

15.55 Телебиржа. 16.25 "Рост" студияси. "Ўн беш ешли капитан". 16.55 Янгилар. 17.10 Варнацияли мавзу. 17.55 Ёлонлар.

18.00—19.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 Жума кунлари Уолт Дисней "Ёввойи Джек". Бадий фильм. 3-серия. 20.00 Мульти-пульти.

20.10—22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.25 "Сафсаталар". 22.55 "Ердаги излар". Бадий фильм.

ШАНБА

21 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум".

8.00 Болалар учун фильм. "Саёхатлар эртаги". 9.40 Спорт кўрсатуви. Чим устида хоккей. Ўзбекистон кубоги. 10.10 "Тракторсозлар хузурида". Тошкент Трактор заводидаги 50 йиллигига. 10.40 Ўз ТВ фондидан. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. "Паранжи сирлари". Абдор Ҳидоятлов номли Ўзбек драма театрининг спектакли.

12.40 "Алифбо сабоқлари". 13.10 "Замандас" (қозоқ тилида). 14.10 "Тошкент" студияси кўрсатади. "Менинг маҳаллам". 15.10 Тижорат канали. "Саноатимиз одимлари".

18.00 "Жасур чўпон бола". Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. "Тенгдошлар". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Аралаш". Ҳажвий киножурнал. 19.50 "Малайзия киносанъати". Ўзбекистонда Малайзия кинеси ҳафталиги якунларига бағишланади. 20.30 "Туркистон" ахбороти. 21.00 "Мархабо, талантлар!". Ўзбекистон Республикаси бадий хаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Наманган вилояти. 22.30 "Беором кун". Бадий фильм. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

10.00 "Манастан аянба қалайик". "Манас" эпосининг 1000 йиллигига бағишланган телемарафон. Т. Сатилганов номли Қирғизистон Давлат филармониясидан олиб кўрсатилади.

18.00 "Ала-Тоо". 18.20 "Манастан аянба, қалайик" (телемарафонининг давоми). 22.00 "Манастан аянба, қалайик" телемарафонининг епилиши.

"ОРБИТА IV"

6.40, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгилар. 8.30 Спорт-имконият. 9.00 "Марафон-15" — кичкинтойларга. "Бамси". Кўп серияли мультфильм премьери (Швеция). 9.25 Экологик шарҳ. 9.40 "НУЖ" эълон қилинмаган таширф. 10.10 "Шанба кунги дастхат". 10.40 "Технодром". 10.50 "Тиббиет сиз учун". 11.30 "Муҳофаза ерлиги". 12.00 "Дело". 12.10 "Палитра". Қадимий Россия давлати. 12.40 Едда қолган фильмлар. "Биринчи муҳаббат ҳақида кисса". 14.20 "Сиеат" студияси иктисодчи М. Фридман иштирокида АҚШнинг "Танлаш эркинлиги" телекўрсатувини таништиради. 1-кўрсатув — "Бозор ҳокимияти". 14.50 "Матбуот-экспресс". 15.00 Янгилар. 15.20 "Чегарасиз шахматлар". 16.35 "Фитна. Жон Кеннеди ўлимининг сири". Телефильм премьери. 17.20 "Хайвонот оламида". 18.10 "Қизил квадрат". 18.50 "Дракулито — вампирча". Кўп серияли мультфильм премьери (Франция). 19.15 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. "Поезд тўхтади". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Брэйв-ринг". 22.15 "Буржлар" туркумидан кўрсатув. 23.45 Уста. Телефильм. 24.00 Янгилар. 00.40 Тунги канал.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Мульти-пульти. 8.30 Ўрсландла кўнғирок оҳанглари фестивали. 9.00 "Дилкаш суҳбатлар". 1-кўрсатув. 9.30 "03" программаси. 10.00 "Плюс ўн бир" видеоканали. 11.15 Кундузги сеанс. "Финист — сарлочин" Бадий фильм.

12.30—15.45

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
"ДУСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ

15.45 Ретро. "Қуйловчи гитаралар". 16.00 Бурда моден таклиф этади... 16.30 "Хали англамаган коинот". 17.00 Чегарасиз футбол 17.55 Ёлонлар.

18.00—18.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.30 "Ўй жиҳозларидаги пейзаж". Бадий фильм. 20.00 "Маски-шоу".

20.30—00.15

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

00.15 Тунги сеанс. "Профессор Доуэль васияти". Бадий фильм.

ЯҚШАНБА

22 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Рақсларда умр баҳори". Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмухамедова.

8.00 "Туркистон ахбороти. 8.30 "Бетайин кишилар". Бадий фильм. 10.00 "Ўзбекистон спорти". 10.30 "Каттакўрғон лавҳалари". Адабий кўрсатув. 11.05 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар". 11.55 "Фан ва деҳқончилик". 12.25 "Дўстлик" студияси кўрсатади. "Ягона оилада". 12.55 "Бунёдкор". 13.25 "Юксалиш йўлида". Самарқанд музлаткичлар тайёрлаш корхонаси ҳақида. 13.45 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Иқбол". Қашқадаре вилояти Шахрисабз тумани қизларининг баҳси.

18.00 Болалар учун. "Кичкинтой" студияси кўрсатади. 19.00

"Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Катталар учун мультфильмлар. 19.45 "Одамга саёхат". Кинोकўрсатув. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Дилрабо концерт. 21.30 "Келинлар кўзголини". Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Садриева хотирасига бағишланади. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси намоиш этади. Программада: "Ачик кошул балдарбиз", "Хуш хабарлар", "Моорой", бадий фильм; мультфильм.

18.05 "Рики-Тикки-Тави". Мультфильм. 18.25 "Яна сенинг овозингни эшитаялман". Фильм-концерт. 19.00 "Ало-Тоо". 19.20 "Киномеридиан" (киргиз тилида). 20.50 "Канизак Изаура". Кўп серияли бадий телефильм. 5-серия (рус тилида).

"ОРБИТА IV"

6.20, 15.15, 19.00, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби. 6.25 "Рухни чиқариш". 7.25 "Спортлото" тиражи. 7.40 "Қуён магнитофон топиб олди". Мультфильм. 7.55 Янгилар. 8.30 Билина ансамблининг чиқиши. 9.00 Автоспорт. Германиянинг очик чемпионати. 9.30 Ракеталар қай томонга шайланяпти? Хужжатли фильм премьери (Радар студияси). 9.45 Эрта саҳарлаб. "Денвер — динозаврларнинг энг охириги". Кўп серияли мультфильм премьери (Франция). 10.15 "Хозирча ҳаммаси жойида". 10.45 "Тонг қолдузи". 11.35 "Олам дам олишда". 12.15 "Қора кўркам от саргузаштлари". Болалар учун кўп серияли телефильм премьери. 12.40 "Марафон-15". "КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништиради: 13.30 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультфильм премьери. 13.40 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьери.

У сездимикин?

(хикоя)

Сахий куз келди. Ҳаммаёқ куз бўёғида товланди. Йўлқалар, унинг четдаги ариқлар яна хазонларга тўлди. Ҳиёбонда ошқ-маъшуклар пойига япроқлар поёндоз ёзди.

Нуфузли оқшом қўнди. Олийгоҳнинг кўкиш зинапойларидан кўтарилиб узун, кенг, ёғур коридор бўйлаб юрдим.

Талабалар гавжум. Хоналарда уларнинг шодон кулгуси, қизгин баҳси кулоққа чалинади. Ҳамма шод...

Энди беш-олти қадам босиб, тахлилхона томонга юргандим, бирдан яна уни кўриб қолдим. У бурчакдаги аудитория эшиги ёнида ниҳол баргидай киприкларини қоқмай, жимгина ёнидаги креслонинг кўйлаги қизининг сўзларини қунт билан тингларди. Қарашлари жиддий бу қиз мени бутунлай ўзига ром этиб қўйганди. Беихтиёр тўхтаб қолдим. Ҳаёлим у билан банд эди...

Қўнғироқ овози ҳаёлимни бўлди. Ўзимни зўрага тутиб, унинг олдида оҳиста ўтиб кетдим.

... Мана, янги ўқув йили бошланибдики, уни учратаман. Ҳар гал бу қизни кўрганимда вужудим аллақандай ширин ҳисларга тўлгандай бўлади. Унинг хумор кўзлари кўзларимга тушганда ўзимни йўқотиб қўяман. Бу ҳам етмагандай тун билан унинг туркираб турган қош-кўзлари, жиддий чехраси кўз олдимдан кетмайди.

... Бугун касб тақозоси билан шаҳар яқинидаги милиция маҳкамасига бордим. Мақсадим — байрамга бағишлаб ёшлар хусусида бирон нарсга ёзиш эди.

— Балки эшитгандирсиз? — деб гап қотди район ички ишлар бўлими бошлиғи Ислонжон Фозилов. — Яқинда бир ходимимиз ўта хавфли жиноятчини қуролсизлантириб, қўлга олди. Жасорати учун у «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди. Юринг, у билан таништириб қўяман.

Ислонжон ака мени пастки қаavatдаги шинам спорт залига бошлаб кирди. У ерда бир гуруҳ йигит-қизлар спортнинг қаратё тури бўйича машғулот ўтказишгаётган экан.

Мен уларнинг эпчил ҳаракатларини завқ билан кузатар эканман, бирдан ҳаворанг спорт кийимидagi қизга кўзим тушиб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Бу ўша — ҳар қуни олийгоҳда



учратадиган — киприклари ниҳол баргидай пирираб, кўзлари доим ўйчан юрадиган қиз эди.

Бошлиқ уни ёнига чорлади.

— Меҳмон, мана шу қиз мен сизга ҳикоя қилиб берган доврак Юлдузхон бўлади, — деди секин шивирлаб. — Ўзи ажайиб қиз. Беш йилдан бери қаратё билан шуғулланади...

Жиноят-қидирув бўлимининг тезкор вакили у.

Мен шу қуни Юлдузхон тўғрисида касбдошларидан кўплаб гаройиб воқеаларни тингладим ва яна бир марта ҳайратга тушдим.

Оқшом қўнди... Олийгоҳ эшигидан кириб, коридор бўйлаб бораётиб, дафъатан уни учратиб қолдим. У ойнаванд деворга елка қўйганча, қалин, қизғиш рангли дафтардаги ёзувларни берилиб муталаа қилар, бошини кўтариб лоақал атрофга назар ташламасди.

Оҳиста яқинлашдим. Ена-ён келганда тўхтаб қолдим. У қадам товусларини сезди шекилли, ялт этиб бошини кўтариб қаради. Қаради-ю, аста жилмайиб қўйди. Сўрашдик. Қўнғироқ чалинди. Аста аудитория томон юрдим. Муқошига борганда тўхтаб елка оша бурилиб қарадим. У ҳам қаради. Бежирим кулча юзига, ёқимли қора кўзларида ажиб бир ўзгариш порладиди, бу порлаш дилимни ёритиб юборди.

Шу тобда қалбим алланечук иссиқ, библи бўлмас ҳароратда ёниб, ўртаниб унга қаттиқроқ борганим қолганимни ҳис этдим. Аммо... у буни сездимикин?

М. ТИЛЛАЕВ.

ФАРҒОНА шаҳар ички ишлар бўлимининг шахсий таркиби «Постда» — «На посту» ни нафақат ўзларининг наشري бўлгани учун, балки ниҳоятда мазмундорлиги туфайли ҳам қўлдан қўймай ўқишади. Хизмат тажрибасини оши-ришда газетанинг ёрдами катта бўлмоқда.

Шу кунгача бўлимининг 300 дан ошқик ходимлари «Постда» ва «На посту» газеталарига «обуна бўлишди. Улар келгуси йилда бугунги кундагидан ҳам мазмундор мақола ва хабарлар билан танишиш ниятида ўз газеталарини интиқлик билан кутадилар.

А. АҲМЕДОВ,
Фарғона шахри.

ЎТТИЗ бир йил бўлдики, ўқитувчилик касбига содиқман. 1957 йилдан буён «Постда» нинг мухлиси ҳисоблаб келаман ўзимни. Биласизми, газетада ёритилаётган мақолаларнинг аксари ўқувчи учун нимадир беради, ўйлашга ундайди. Шу сабабли келаси йил учун ҳам «Постда» га ҳеч иккиланмай обуна бўлдим.

Газета ижодкорларига миннатдорчилик билдириш билан бирга, ҳечдан кўра кеч деганларидек, уларни милиция қуни билан ҳам самимий кутлайман.

М. МАВЛОНОВ,
Фориш районидagi Абу Али ибн Сино номли мактаб ўқитувчиси.

Обуна-93



«Постда» — «На посту»

газеталари маънавий эҳтиёжингизни қондиришда Сизга энг яқин кўмакчи бўлади. Бу нашрларга келгуси йил учун обуна баҳоси — 312 сўм. Индекслари — 64615 ва 64616.

«ПОРА БЕРИНГ, УЙЛИК БЎЛАСИЗ»

Райжироқўмининг уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлимига бошлиқ қилиб тайинланганларида, Боқиқонова ўзини қандай ҳис қилганлиги бизга қоронғу. Ёрдам сўраб қилган илтижоларини яратган эшитган шекилли, эри кетиб қолгандан кейин омад биринчи марта кулиб боқиши. Энди батамом мустақил. Эртанги кун, тирикчилик ҳақида ташвишланмас ҳам бўлади. Ёлғизлик дардидан қутилади. Бадавлат одамларда танлаш имкони ҳам кўпроқ. Дурустроқ одам топилиши мумкин. Ҳали еш, эндигина қирққа кирди. Ҳар доим одамларнинг кўз ўнгига бўлади. Алоқалар, иззат, ҳурмат, тўқинчилик... Хуллас, ҳаёти тубдан ўзгаради, ишлари бароридан келади.

Ирина Владимировна буларнинг ҳаммасига қандай эришишини ҳали яхши тасаввур қилмасди. Лекин бир нарсани биларди — бу лавозимда ҳали ҳеч ким хор бўлган эмас. Дастлабки кунларда топирилган иш моҳияти, ҳужжатлар билан танишар ва телефон орқали табриклар қабул қилар экан, ич-ичидан қувонарди: ниҳоят, ниятига эришди! Иштиёрида улкан имкониятлар пайдо бўлди. Мухими, уларни қўлдан бой бермаслик. Мухтожларнинг саноғи йўқ...

Рўйхат билан танишиб чиққач, бошини чангаллаб қолди: навбатда турганлар деярли беш минг кишини ташкил этарди. Бўшаётган уйлар рўйхати анча салмоқли. Агар иккала рўйхатни бирлаштирсан-чи? Йўқ, бўлмайди. Унда нима қилиши керак?

Ирина Владимировнанинг кўзи ордерлар дафтарчасига тушиб қолди. Мана нимадан бошлаш керак! Ўзига шундай ақл-заковат ато қилганга ҳамду-санолар ўқиди. Ордер бланкалари ҳақида ҳисоботлар талаб қилинмас, шунинг учун улар рўйхатга олинмасди. Тоза бланкани оласан-да навбатда турмаган киши номига тўлдириб берасан. Шу ҳужжатга мувофиқ уй ажратилаверади. Ҳамма буюк нарсалар каби олдий гап. Лекин буни тажрибасиз, етарли билимсиз укиб олишининг ўзи бўладими... Ошқора из қолдирмаслик учун эса ҳар бир сохта ордерда бошқа, фойдаланиб бўлинган дафтардаги рўйхат рақами кўрсатилади. Кейинчалик уларнинг иккаловини ҳам йўқотиб юбориш мумкин...

Фақат олдин бир нарсани ҳал қилиши — энг яхши дугоналарини оёққа тургазиб, мижозлар топишни топириши керак. Бекорга эмас, албатта. Ҳозирча... ҳозирча навбатда турганлар билан

шуғулланса ҳам бўлаверади.

Имомова зарур ҳужжатларни ижроқўмга бундан беш йил олдин топширган эди. Мана, энди уни уй-жой бўлимига чақиринди ва уй ажратилиши тўғрисида гапиринишмоқда. Лекин давлат уйларини фуқароларга сотиш тўғрисида қарор чиққанлиги муносабати билан анчагина пул тўлаши керак. Имомова пул топиб, Боқиқоновага келтириб берди ва тўрт хонали уйга ордер олди.

Бир хонали уй олиш Глядовскаяга уч баробар арзонга тушди. Масала бир кундаёқ ҳал бўлди-қўйди.

Ишлар юришиб кетди, у билан бирга Боқиқонова ҳамда дугоналарининг даромадлари ҳам кескин кўтарилиб кетди.

Орзулари ушала бошлади. Лавозим кетидан пул, ҳурмат келди... Алоқалар кенгай борди. Олдинда бундан ҳам бахтиёр ҳаёт кутаётгандай эди.

Ўзга районлар билан ўрнатилган алоқалар қатъий белгилаб қўйилган чегаралардан чиқиб имконини берарди. Энди шартлашувга биноан бошқа районлардан ҳам уй «ажратиш» мумкин бўлиб қолди.

Баъзан Ирина Владимировна мижозлардан нақд пул олмасликка ҳам рози бўларди. Улардан айримлари уй-жой бўлими бошлиғи билан заргарлик буюмлари орқали ҳисоб-китоб қилишарди. Ҳаммада ҳам нақд пул бўлавермаслигини яхши билган Боқиқонова бошқа йўللار билан одамларнинг ҳолатини чиқаришга ҳаракат қиларди. Баъзи буюмлар Ирина Владимировнага шунчалик ёқиб қолардики, уни қўлга киритиш учун мижозга «имтиёзли шароит» яратиб берарди, бошқачасига айтганда уй-жойни ярим баҳосига пуллаб юборар эди.

Чилонзор райони ижроқўмида пора эвазига уй-жой ажратиб берилаётганлиги ҳақида хабар олганларидан кейин Тошкент шаҳар ИИБ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари шаҳар прокуратураси билан биргаликда оператив-қидирув гуруҳи ташкил этишга қарор қилдилар. Унга милиция томонидан бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Сайёр Аминов раҳбарлик қилди. Гуруҳга катта оператив вакил, милиция майори Эгамберди Яллақапов, оператив вакил, милиция капитани Петр Ильинлар киришди. Чилонзор райони ИИБ ИЖК бўлими раҳбари Абдулла Ойхўжаев ҳам бу ишда фаол қатнашди.

Қидириб топишган пора узатувчилар аввалига жиноий жавобгарликка тортилишларидан қўрқиб, ҳаққоний маълумот, бермаганликлари ишни мураккаблаштиради. Мансаб ва бошқа гаразли жиноятлар сони, иштирокчилари ва гувоҳлари шунчалик кўп эдики, чигални ечиш учун анча вақт кераклиги маълум бўлиб қолди. Суинстеъмоликлар жуғрофияси фақат район доираси билан чегараланиб қолмаганини айтишнинг ўзи кифоя. Фақат Чилонзор районининг ўзидагина ижроқўмининг тегишли қарорисиз, қалбаки ордерлар бўйича юздан ортиқ уй-жой ноқонуний берилган.

Ҳужжатларни тафтиш қилиш белгиланди. Бўлимга тафтишчилар келганда, Ирина Владимировна иш чатоқлигини дарҳол тушунди. Лекин ўзини тинчотишга уриниб кўрди: «Балки, режадаги текширувдир, ҳаммаси босди-босди бўлиб кетар». Лекин қингир ишнинг охири вой.

Уйи тафтиш қилинганда, милиция ходимлари унинг хомаки ёзувларини топиб олишди. Дугоналари, гувоҳлар ва уй олганларни чақира бошлашди. Уйларни тақсимлаш режалари, бўш хоналарнинг рўйхатлари кўтарилди. Айбнинг қўлими кун сайин ойдинлаша борди.

Оператив-қидирув гуруҳи қатнашчилари бу ишга паспорт хизмати ҳамда участка вакиллари ҳам жалб этишди. Натижада қуйидаги манзара намоён бўла бошлади: уй-жой тақсимлаш бўлими ишини ҳеч ким назорат қилмаган. Бунинг учун маъсул киши йўқ. Уй қимга ва қандай ажратилиши текширилмаган. Бўлимдан икки юзта ордер бланкаси йўқолган. Бошқа районларда ҳам шундай «йўқолишлар» аниқланди.

Биринчи сўроқда Боқиқонова ҳаётий муҳим масалада одамларга ёрдам бериш учун кўзбўямачилик қилганига иқдор бўлсада, пора олганини рад этди. Лекин кейинги «темир» далиллар юки остида ҳаммасини бўйнига олди. Унинг шериклари Раъно Назарова, Светлана Лозинская, Людмила Коган, Светлана Боюс, Валентина Зинченколар ҳам ўзларини тахминан шундай тутишди.

Ирина Владимировна мана шу қисқа, чиройли ҳаёти учун ўн тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулк-мусодара қилинди. Дугоналари ҳам тегишли жазодан қуруқ қолишмади.

Н. ҚҶҶҚОРОВ.

Соқоли иш бермади

Китоб райони ИИБ навбатчилик қисмига А. Умрзоқов буюмларининг ўғирланганлиги ҳақида хабар берди. Зудлик билан воқеа жойига чиққан оператив гуруҳ таркибиде қўриқлаш бўлинимасининг пулт бошлиғи, милиция кичик лейтенанти Ғ. Суянов ҳам бор эди.

Ғ. Суянов қўни-қўшнилардан суриштирув ишларини бошлаб юборди. «Шу атрофда ёш соқолли йигит айланиб юрувди», — деган гап унинг диққатини тортди.

Деярли кўпчилик соқолли йигитни кўрганди. Шунга асосан ёш соқол қўйганлар текширила бошланди. Натижа қутилганидек бўлди. «Навбахор» давлат хўжалиги ҳайдовчиси Қ. Ҳантовнинг негадир ўғирлик содир этилган куннинг эртасига соқолини қирдириб ташлагани шубҳали эди. Далиллар эгасини топди. Соқолини олдириб, ўзини қанчалар у ёндан-бу ёнга солмасин, гувоҳлар ўғрини танидилар. Қ. Ҳантовнинг яширган буюмларни топиб беришдан ўзга чораси қолмади.

Х. НОРПҶЛАТОВ.

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Чирокчи райони ИИБ Кўқдала кўргони милиция бўлимаси бошлиғи, милиция майори ИБРОҲИМ ҚИЛИЧЕВНИНГ бевакт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, ошқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмаҳонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, маъсул
котиб — 59-26-56, муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.